

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИСТИКА ФАКУЛЬТЕТИ

**ЖАҲОН ЖУРНАЛИСТИКАСИ НАЗАРИЯСИ, АМАЛИЁТИ ВА
ТАРИХИ КАФЕДРАСИ**

Атақулова Ётиқодхон Салоҳиддиновнанинг

**“ЎЗБЕК МАТБУОТИДА БОЛАЛАР ЖУРНАЛИСТИКАСИНИНГ
ЎЗИГА ХОСЛИКЛАРИ”**

(Ўзбек болалар нашрларини Миср болалар нашрларига таққослаган ҳолда)

мавзусида 5320400 – халқаро журналистика йўналиши бўйича бакалавр даражасини
олиш учун

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Илмий раҳбар: филология фанлари номзоди, доцент Назира Тошпўлатова

Расмий тақризчи: “Тонг юлдузи” болалар ва ўсмирлар газетасининг бош
муҳаррири, ... Тўлқин Ҳайитов

Тошкент 2011

ҲИМОЯГА РУХСАТ ЭТИЛДИ:

Факультет декани: _____ доцент А. Нурматов

Кафедра мудири: _____ доцент Н. Тошпўлатова

Илмий раҳбар : _____ доцент Н. Тошпўлатова

Расмий тақризчи: _____ Т.Ҳайитов

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

МАВЗУ: “ЎЗБЕК МАТБУОТИДА БОЛАЛАР ЖУРНАЛИСТИКАСИНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИКЛАРИ”

(Ўзбек болалар нашрларини Миср болалар нашрларига таққослаган ҳолда)

ДАК қарори:

Бакалавр йўналиши 404-гурӯх талабаси Атақулова Ёътиқодхоннинг

Битирув малакавий иши “_____” га баҳолансин.

“___” _____ 2010 йил

ДАК раиси: Ш. Ғуломов

ДАК котиби: Д. Жуматова

Ўзбекистон Давлат Жаҳон Тиллари Университетининг Халқаро журналистика факультети талабаси Атақулова Ўзбекиқодхон Салоҳиддиновнанинг “Ўзбек матбуотида болалар журналистикасининг ўзига хосликлари” мавзусидаги 5320400 – халқаро журналистика йўналиши бўйича бакалавр даражасини олиш учун тайёрлаган битирув малакавий ишига

ТАҚРИЗ

Демократик жамият барпо этишда оммавий ахборот воситалари ҳал қилувчи ўрин тутди, нафақат муайян мамлакатларга, балки глобал миқёсда сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий жараёнларга ҳам жиддий таъсир кўрсатади. Оммавий ахборот воситалари жамоатчилик фикрини шакллантиришнинг энг муҳим омилларидан бири ҳисобланади.

Бугунги кунда юртимизда истиқомат қиладиган жами аҳолининг 60 фоиздан кўпроғини ёшлар ташкил қилади. Ўзбекистон ўз истиқболини ёшларда кўрар экан, улар олдига улкан вазифаларни ҳам кўядики, бундан мақсад жамиятимизда ёшларнинг ижтимоий қиёфаси, феъли, орзуларини шакллантиришдан ташқари улар фаолиятини эзгуликка йўналтириш орқали баркамол авлодни тарбиялашга эришишдир.

Болалар матбуоти баркамол авлод тарбиясида муҳим вазифани бажаради. Болалар нашрлари ўқувчиларни ҳақиқий маънодаги тарбиячисидир. Катталар дунёсига, катта ҳаётга йўл болалар матбуоти орқали бошланади. Шундан ҳам, болалар матбуотининг ўрни қай даражада юксаклигини билиб олиш мумкин.

Бугун доимий равишда чоп этирилаётган "Тонг юлдузи", "Гулҳан", "Ғунча", "Класс!" каби газета ва журналлар тиражи саксон-юз мингдан ортмоқда. Бу ҳам болалар журналистикаси бўлган эҳтиёжнинг юқори эканлигини кўрсатади.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда талаба Э. С. Атақулова томонидан танланган битирув малакавий иши мавзуси ўзбек матбуотида болалар журналистикасининг ўзига хослигига бағишланганлиги билан ҳам долзарб ҳисобланади.

Битирув малакавий ишида "Тонг юлдузи", "Гулҳан" каби болалар ва ўсмирлар газета ва журналлар фаолиятини кузатиш билан бирга, ўзбек болалар журналистикасининг ўзига хосликларини унинг тарихий илдизларини ўрганилганлиги эътиборга лойиқдир.

Унинг мақсади қилиб Ўзбекистон ва Миср Араб Республикаси болалар журналистикасини қиёсий-таҳлилий тадқиқ этиш билан бирга, араб оламида нашр қилинаётган болалар журналлари фаолиятини ҳам ўрганиш мақсад қилинади.

Битирув малакавий ишининг илмий янгилиги шундаки, шу пайтгача болалар журналистикаси бўйича тадқиқот олиб борган олимлар ёки ушбу мавзуда мақола ёзган муаллифларнинг аксарияти мавзуга умумий ёндашганлар. Масалан, филология фанлари номзоди, доцент Башорат Жамилова ўзбек болалар публицистикаси бўйича тадқиқот олиб борган. Унда асосан ўзбек матбуотида мавжуд босма нашрларга муносабат билдириш билан чекланганлар. Умуман, болалар журналистикаси бўйича илмий изланишлар кам олиб борилган. Ушбу кичик тадқиқот ишида эса ўзбек болалар нашрлари ичида "Тонг юлдузи" газетаси ҳамда "Гулҳан" журналлари фаолиятининг ўзи билан кифояланмай ва Миср матбуотида нашр қилинаётган "سمير" ("Самир") журналларининг ўзига хослиги, йўналиши, мавзулар кўлами, жанрлар тараққиёти, болаларга ахборот етказиш вазифасининг бажарилиши қиёсий тадқиқ қилиш билан белгиланади.

Тадқиқот ишининг раволиги ва илмийлиги талаба томонидан илмий иш устида пухта ишланганлигидан далолат беради.

Битирув малакавий ишида ютуқлар билан бирга ишнинг илмий аҳамиятига таъсир этмайдиган камчиликлар ҳам бўлиб, улар ҳам орфографик ва стилистик хатолардир.

Шуни таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Давлат Жаҳон Тиллари Университети Халқаро журналистика факультети талабаси Атақулова Ўзбекистон Салоҳиддиновнанинг "Ўзбек болалар журналистикасининг ўзига хосликлари" мавзусида тайёрланган битирув малакавий иши тугалланган тадқиқот иши ҳисобланиб, ДАК талабларига жавоб беради.

Атақулова Ўзбекистон Салоҳиддиновна 5320100 - "Халқаро журналистика" ихтисослиги бўйича бакалавр даражасини олишга лойиқ деб ҳисоблайман.

Ўзбекистон ёзувчилар уюшмасининг аъзоси,

"Тонг юлдузи" газетасининг бош муҳаррири:

Т.Хайитов

Мундарижа

Кириш

I-боб: Ўзбекистон Республикаси ва Миср Араб Республикаси чоп этилаётган болалар нашрларининг ўзига хосликлари

- 1.1. Ўзбек матбуотида болалар журналистикасининг ривожланиши
- 1.2. Ўзбек ва Миср матбуотида анаънавий болалар нашрларининг ўрни
- 1.3 «Тонг юлдузи» болалар ва ўсмирлар газетасининг йўналиши, тавсифи ва тематикаси

II-боб: Ўзбек ва Миср матбуотида болалар журналлари

- 2.1 Болалар журналларининг пайдо бўлиши ва ривожланиши
- 2.2 "Гулхан" ҳамда "سمير" ("Самир") журналларининг ўзаро муштарак ва фарқли томонлари
- 2.3 "Гулхан" ҳамда "سمير" ("Самир") журналлари дизайнини қиёсий ўрганиш

Хулоса

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

Иловалар

Кириш

Ишнинг долзарблиги. Демократик тамойилларга асосланган фуқаролик жамиятининг равнақ топишида фикрлар устиворлигининг ўрни беқиёс. Жамиятда кечаётган ҳар бир воқеа-ҳодиса ҳусусида ҳолис ахборот бера олиш эса оммавий ахборот воситаларининг бирламчи вазифасидир.

Оммавий ахборот воситаси матбуот, радио, телевидение, қолаверса интернет каби турларга бўлинади. Мамлакатимизда иқтисодий, сиёсий, маънавий-маърифий, тарбиявий ва бошқа йўналишларда газета, журналлар чоп этилмоқда. Нашр қилинаётган газета ва журналлар ихтисослиги ва ўз аудиториясига қараб фарқланади. Бу нашрлар асосан катта ёшдагиларга мўлжалланган. Биз уни бевосита катталар журналистикаси дейишимиз мумкин.

Хўш, болалар журналистикаси-чи? Унинг мамлакат ОАВ ичида ўрни борми?

Бир қарашда унчалик эътиборни тортмайдиган, аҳамиятсиздай бўлиб кўринган ушбу масалага жиддийроқ ёндашсак унинг қанчалик долзарб эканлигини англаш мумкин. Катталар журналистикасида болалар журналистикасининг ҳам ўрни ва аҳамияти бор.

Бугун болалар журналистикаси ҳар томонлама жадал ўсиб бормоқда. Болалар журналистикаси болалар қалбини, дунёқарашини тадбиқ ва таҳлил эта бошлагани бу соҳада ҳали жиддий ўзгаришлар содир бўлишидан дарак бермоқда. Катталардан матбуотидан кўра болалар учун ёзиш анча қийин ва мураккаб. Агар журналистда истеъдод билан бирга, болалик қалби бўлмаса, болалар учун яхши нарсга ёзолмайди.¹ Болаларни маънавий камолотга етказишда болалар нашрларининг ўрни алоҳида.

"Биз фарзандларимизни Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлигига эришишдек олий мақсад сари етаклашимиз керак. Агар биз бу масалада сусткашликка, бепарволикка йўл қўйсак, болаларимизни бошқалар етаклайди. Ёш қалб, ёш инсон ҳамиша маънавий етакчига муҳтож".²

Президентимиз Ислом Каримовнинг ушбу сўзлари жамият фуқароларига, халқимизга қаратиб айтилган бўлса-да, аммо бу оммавий ахборот воситаларига бевосита ва билвосита тааллуқлидир. Шу нуқтаи назардан ёш авлоднинг фикрлаш даражасини юқори чўққиларга чиқаришда, унинг ақл ва идрокини такомиллаштиришда, "мен" ини англашда болалар матбуотининг ўрни катта.

У ўқувчида теран мушоҳада ва фикр уйғотиши, маънавий етакчилик вазифасини ўташи жиҳатидан жамият тараққиётини белгиловчи омилларидан биридир. Болалар матбуоти баркамол авлод тарбиясида бошланғич вазифани бажаради. Катталар матбуотининг ўқувчиларини ҳам аслида болалар нашрлари тарбиялаб, вояга етказди. Хуллас, катталар дунёсига, катта ҳаётга йўл болалар матбуоти орқали бошланади.³

¹ Юнусов.М. Бугуннинг гапи // Ўзбекистон матбуоти. 2009. 5-сон.

² Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. Тошкент.Ўзбекистон, 2001. 9-том. 189-бет.

³ Отакулова Э. Болалар нашрларига эътибор. // Хуррият 2010 7-апрель

Болалар журналистикасининг бош мақсади ёш авлод онгида Ватан ва миллатга эътибор, ўзи туғилган юрти, шаҳрига ифтихор туйғусини шакллантириш билан бирга, илм маърифатпарварлик ва комил инсонликка даъват қилишдир. Бундаги масъулият эса ҳамisha катталар, юксак тафаккурли шахслар зиммасига юкланиб келинган ва у турли тарихий даврларда турлича кўринишда намоён бўлган.

Болалар журналистикасининг муҳим ҳарактерли жиҳати жамиятнинг долзарб муаммолари, воқеа ходисаларини бола тилида, улар идрок қила биладиган даражада етказа билиш бўлса, унинг асосий хусусияти болаларда ижтимоий фикр уйғотишга хизмат қилишдир.

Олиб борган битирув малакавий ишимиз мавзусининг долзарблиги шундаки, мамлакат оммавий ахборот воситалари қаторида болалар нашрларининг тутган ўрни, бугунги кунда унга берилаётган аҳамият, улар болаларнинг ахборотга бўлган эҳтиёжини қондириши, қизиқиш ва интилишларини ўзида ифода этишидир.

Ишнинг илмий янгилиги. Шу пайтгача болалар журналистикаси бўйича тадқиқот олиб борган олимлар ёки ушбу мавзуда мақола ёзган муаллифларнинг аксарияти мавзуга умумий ёндашганлар. Биргина, филология фанлари номзоди, доцент Башорат Жамилова ўзбек болалар публицистикаси бўйича тадқиқотдан бошқа ушбу мавзуга тегишли ишни учратмадик. Унда асосан ўзбек матбуотида мавжуд босма нашрларни тадқиқ этган ва муносабат билдирган. Ушбу кичик тадқиқот ишида эса ўзбек болалар нашрлари ичида **"Тонг юлдузи"** газетаси ҳамда **"Гулҳан"** журналлари фаолиятини ўрганиш билан кифояланмай уни Миср Араб Республикасининг **"سمير"** ("**Самир**") журнали билан қиёсий тадқиқ этишдир.

Демак, ишнинг илмий янгилиги ушбу масалалар фақат мамлакат миқёсида эмас, балки Миср Араб Республикаси болалар нашрлари билан қиёсий ўрганиш билан белгиланади.

Ишнинг методологик-назарий асосларини Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг мамлакат ОАВ фаолияти ва уни ривожлантиришга бўлган муносабатлари, маъруза ва нутқлари ташкил қилади. Шу билан бирга ишнинг назарий асосини яратишда соҳага дахлдор илмий-тадқиқот ишлари, илмий-назарий адабиётлардан фойдаланилди.

Тадқиқот ишининг мақсади мазкур битирув –малакавий ишда Ўзбекистон ва Миср Араб Республикаси болалар журналистикасини қиёсий-таҳлилий тадқиқ этиш мақсад қилинади. Уни қуйидаги вазифалар асосида ўрганиш кўзда тутилади:

1. Ўзбек матбуотида болалар журналистикасининг пайдо бўлиш ва ривожланишини ўрганиш;
2. Ўзбек ва Миср матбуотида анаънавий болалар нашрларининг қандай ўринга эканлиги, ўзига хослигини ўрганиш;
3. «Тонг юлдузи» газетасининг йўналиши, тавсифи ва тематикасини таҳлил қилиш;

4. Болалар журналларининг матбуот тури сифатидаги ривожланишини ўрганиш;
5. "Гулхан" ҳамда журналларининг ўзаро муштарак ва фарқли томонлари қиёсий таҳлил этиш;
6. "Гулхан" ҳамда "سمير" ("Самир") журналлари дизайнини қиёсий ўрганишдан иборат.

Илмий ишнинг аҳамияти. Бу ишдан оммавий ахборот воситалари назарияси, оммавий ахборот ваоситалари тизими фанларида талабалар ўқув материали сифатида фойдаланиши мумкин. Шунингдек, жаҳон журналистика назарияси бўйича курс ишилар ёзишида назарий манба сифатида қўллашлари мумкин.

Ишнинг тузилиши. Кириш, 2 боб, 6 параграф, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат.

I-боб: Ўзбекистон Республикаси ва Миср Араб давлатларида чоп этилаётган болалар нашрларининг ўзига хосликлари.

1.1 Ўзбек матбуотида болалар журналистикасининг ривожланиши

Миллий-маънавий ҳаётимизда болалар журналистикаси узок асрлик халқ тарихи, маданияти ва тафаккури, тараққиёти билан узвий алоқадор. У дастлаб жамиятнинг болаликка муносабатини ифодаловчи ҳодиса сифатида халқ оғзаки ижодида, қадимги адабий ёдгорликлар, мумтоз адабиёт намуналари таркибида намоён бўлди.

Инсоният тарихининг жамоа бўлиб яшай бошлаган илк даврларидан бошлаб одамлар моддий бойликлар яратиш билан бирга ўз авлодларини яхши тарбиялаш тўғрисида ҳам қайғурганлар. Уларни жасур, кучли, эпчил, ақлли, тadbиркор, ғайратли қилиб тарбиялашга интилганлар. Аллалар, эртақлар, қўшиқлар, ҳазил-хузул шеърлар, эркалатиш, топишмоқ, тез айтиш, табиатга боғлиқ тимсоллар, мақоллар ва бошқа бадий воситалар билан уларга таъсир ўтказганлар.⁴

Кейинчалик, аниқроғи XIX-асрнинг иккинчи ярмидан эътиборан бу ҳодисага ижтимоий тус берилиб, миллий уйғониш даври маърифатпарварлари, жумладан, жадид адиблари ижодида яққол акс эта бошлади. Илк расмий матбуотдаги болалар таълим-тарбияси, турмуш тарзи, умуман, болалик муаммоларини қамраб олувчи журналистика воқеликка айланиб борди.

Ўзбек болалар журналистикаси - XX асрнинг бошларидан эътиборан бевосита ёш авлод тафаккурига хос шакл ва шамоийил касб этиб келаётган ижтимоий-эстетик ҳодиса сифатида намоён бўлади.

1906 йил 20 июлда "Тараққий" газетасига мактаб ўқувчисининг ёзган мақоласида шундай фикрлар бор. "...Ҳар қайсиларингизга маълум, мактабга келиб илм ўқурга киришканимизга баъзимизга бир йил ва баъзимизга икки йил бўлди, мактабга келмасдан илгари ҳеч нимарса билмас эрдук. Ҳозир бўлса, алҳамдулиллоҳ, даражамизга яраша ислом динини тануб, ўзимизнинг мусулмон эканимизни билиб ғоятда шодланиб ва ул динда бўлгон ҳукмларни, яъни фарз, вожиб, суннат, мустаҳаб кабиларни билганимиздек, туркий китобларни ўқурга ҳам ёзарга биламиз. Қишнинг соқуғига тўнғмай, ёзнинг иссиғига пишмай, ҳеч нимарсага

⁴Мирализ Аъзам. "Ғунча" болаларнинг ҳақиқий журналига айлансин // Хуррият 2009. 18-март

муҳтож ўлмай, роҳат-роҳат илм ўқудик".⁵ Айнан шу даврдан бошлаб босма нашрларда ёшларнинг овози янграй бошлади.

1905-1924 йиллар оралиғидаги ҳар бир миллий матбуот нашри ана шундай масъулликни ўз зиммасига олган эди. Ниҳоят, болаларгагина ихтисослашган махсус нашрлар, адабиёт намуналари пайдо бўлиши билан ўзбек болалар журналистикаси том маънода пайдо бўла борди.

Болалар ва ўсмирларга мўлжалланган журналистика бағрида эса, ёшларнинг ўз дарди, моддий ҳаётга муносабатларини ифодаловчи болалар ижоди ҳам бўй кўрсата бошлади. Ўша даврнинг буюк маърифатпарвар зиёлилари Махмудхўжа Бехбудий, Абдулла Авлоний, Садриддин Айний, Абдурауф Фитрат, Ҳамза, Маннон Ромиз ва Элбек каби алломалар ўз ижод асарлари орқали ўзбек болалар журналистикасини расман вужудга келтирган шахслар ҳисобланади.⁶ Уларнинг ҳеч бири болаларга панд-насихат тарзидаги мақолалар ёзишмаган, аксинча, эса қоладиган воқеалар, тасвирий воситалар билан ёки шеърӣ санъат йўли билан ёш китобхонлар руҳини эстетик тарбиялашни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.⁷

Ўзбек болалар журналистикаси назарӣ ва амалӣ жиҳатлардан ҳали навқирон бўлсада, ўтмиш адабиётидаги пандномачилиқ, маърифатпарварлик адабиёти замирида шаклланганлигига кўра қадимийдир. Зеро, расмӣ матбуот, хусусан, болалар матбуоти юзага келгач, публицистика ёш авлод ҳаётини, турмушдаги ютуқ ва камчиликларга вобаста ҳолда ҳозиржавоблик билан ёритувчи ижтимоӣ ҳодисага айланиб, том маънода шаклланиб, ўзига хос тамойиллар касб эта бормоқда, болалар дунёқарашини ва тафаккурини шакллантирувчи, ижтимоӣ-сиёсий, маънавий, ахлоқӣ-тарбиявий масалалар таҳлиliga қаратилган, ёшларни ижтимоӣ фаолликка етакловчи ижод тури даражасига кўтарилиб, алоҳида табиатга эга ҳолда ривож топмоқда.⁸

Болалар матбуоти юзага келгач, у ёш авлод ҳаёти, уларнинг турмуш шароитлари, ютуқ ва камчиликларини ёритувчи воқелик сифатида шаклланди. У болалар дунёқарашини ўстиришга, тафаккурини шакллантиришга, маънавий, ахлоқӣ, тарбиявий масалаларга қаратилган таҳлилий мақолаларни бериб ёш авлодни болалар матбуоти билан боғлашга хизмат қилган. Шу орқали ўз атрофида

⁵ Дўстқораев. Б. Боланинг сўйлаган нутқи ушбудар // Хуррият. 2009, 19-август

⁶ Жамилова Б. Ўзбек болалар публицистикаси. Тошкент.: Фан. 2006. 5-бет

⁷ Мирозиз Аъзам. "Ғунча" болаларнинг ҳақиқий журналига айлансин // Хуррият 2009.18-март

⁸ Жамилова Б. "Ўзбек болалар публицистикаси" Тошкент.: Фан. 2006. 8-бет

ижодкор ёш авлодни йиға билган. Уларни жамоа сифатида бир мақсад сари шакллантиришга ундаган. Бундай олиб қарасак, бугунги болалар матбуоти билан ўша давр матбуотининг вазифаси бирдек. Лекин, бугун болалар журналистикасига бўлган эътиборнинг юқорилиги сабаб, унинг вазифаси ҳам юксалган.

Маълумки, "Туркистон вилоятининг газети" (1870-1917) миллий тилдаги тўнғич газета ҳисобланади. Гарчи у миллий ҳаётдан анча узоқ бўлган эса-да, "Туркистон вилоятининг газети" саҳифаларидаги маориф ва ўлка болалари тарбиясига оид "Мусулмон мактабларида ўқитиш", "Болалар тарбияси ҳақида" сингари рукнлар остида эълон қилинган хабар ва мақолалар ижобий ҳодиса эди. Шу билан биргаликда, 1914 йилда чоп этирилган "Садои Фарғона", "Садои Туркистон" газеталарида ҳам айнан болаларга бағишланган махсус саҳифалари мавжуд бўлган.⁹

Ҳар иккала газетада берилган мақолалар асосан ўша давр болаларининг фикрлаш даражасидан келиб чиқиб ёзилган. Ёритилаётган мақолаларнинг асосий мазмуни таълим –тарбияга бағишланган.

Миллий болалар матбуотининг пайдо бўлиши билан боғлиқ маълумотлар 20 йиллар ўзбек болалар адабиётининг шаклланиш манбалари тўғрисидаги тадқиқотларда қисман эътироф этилган. Бироқ ушбу тадқиқотлар 20-йиллар болалар журналларининг айрим йўналишлари ҳақида умумий тасаввур уйғотиш билангина чекланади. Гарчи бу нашрлар ва кейинроқ пайдо бўлган "Ленин учқуни", (ҳозирги "Тонг юлдузи"), "Ёш куч", "Гулхан", "Ғунча", "Синфдош" каби газета ва журналларда публицистиканинг мақола, хат, хабар, репортаж, очерк, сафарнома (йўл очерки) сингари жанр намуналари мавжуд бўлсада, уларга ҳеч қандай муносабат билдирилмайди, ҳодисанинг жанрий хусусиятлари, алоҳида воқелик сифатидаги қирралари очилмайди. Билакс, ўзбек болалар публицистикаси атамаси моҳияти илмий-эстетик идрок қилинмай, истемолга кириб келди. Масалан, Қ.Қахрамонов "сўнги пайтларда болалар драматургияси ва публицистикасида ҳам муайян ўзгаришлар рўй берган" лигини таъкидласада, П.Шермухаммедов бирорта болалар ёзувчи ёки публицистнинг мактаб болалари узоқ вақт далада қолиб кетиши натижасида ўқув дастурлари ўзлаштирилмай қолаётганлиги ҳақида асар эълон қилмаганликларидан ёзғиради; С.Мамажонов "болалар драматургиясидек қолоқ соҳа йўқ бизда. Аммо болалар публицистикаси ундан ҳам ачинарли аҳволда". –деб таъкидлаган.¹⁰

⁹ Жамилова Б. "Ўзбек болалар публицистикаси" Тошкент. Фан. 2006. 54-бет

¹⁰ Ўша манба.

Фақат шуни ҳам таъкидлаш жоизки, 50-80 йиллар болалар матбуотида чинакам публицистик мақолалардан кўра журналистика қайдномалар устувор. Уларнинг мавзулар кўлами ҳам йил фаслларига мос ҳолда, такрорланиб келаверади. Шу даврда ўзбек болалар матбуоти чинакам инсоний фазилатлар учун курашди. Ёш авлодни ҳалол ва соф, виждонли, садоқатли ва меҳнатсевар, эътиқоди юксак, келажакка ишонч билан қараш руҳида тарбиялашга хизмат қилди.

"Истиқлол даври янги болалар адабиётининг майдонга келишига 80-йилларнинг иккинчи ярми катта таъсир кўрсатди. Зеро, айти шу даврда болалар адабиётимиз том маънодаги ҳақиқатга тик боқадиган адабиётга айланди, ёш авлодни эрксеварлик туйғулари руҳида тарбиялашда илк қадамларини қўйди".¹¹ Бу нуқтаи назар болалар публицистикасига ҳам бевосита дахлдор. Истиқлол даври ўзбек болалар публицистикасининг янги тамойиллари ижтимоий ҳаёт билан чамбарчас боғлиқ ҳолда вужудга келди. Бунда мустақилликка интилиш даври ҳамда истиқлол ва унинг ғояларини талқин этувчи публицистика тадрижи алоҳида кўзга ташланади. Мустақилликка интилиш ёхуд қайта қуриш даврида болалар публицистикасининг шаклланишида бир қатор омиллар сабаб бўлди.¹²

Болалар учун ижод қилиб келаётган С.Барноев, Тоҳир Малик, Худойберди Тўхтабоев, Абдусаид Кўчимов сингари адиблар ҳаётга энди ўзгача тафаккур, маънавий эҳтиёжлар нуқтаи назаридан ёндашиб, ўтмишда йўл қўйилган хатоларни тузатиш, ёш авлодни замонавий маънавиятга етаклаш мақсадида янги ижодий тамойиллар интишофига киришдилар. Бу ҳақда болаларнинг севимли ёзувчиси Худойберди Тўхтабоевнинг шундай фикри бор. Бугун замон тараққий этиб, болалар боғчаси, болалар дўкони, болалар шифохонаси деган иборалар кўп қўлланиладиган бўлди. Демакки, болага эътибор кучайди. Энди болалар дўкони болаларга мослашган кийим-кечаклар билан савдо қилишга ихтисослаштирилган ёки болалар шифохоналарида болаларнинг сиҳат-саломатлигига оид илмларни мукамалроқ ўрганишга зарурат туғилган бўлса, болалар ёзувчиси олдида ҳам унинг маънавий дунёсини шакллантиришда яхши асарлар ёзиш учун залворли масъулият турибди.¹³

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, юртимизда бу соҳада ижод қилиб келаётган шоир ва ёзувчилар, журналистлар - Анвар Обиджон, Носир Фозилов, Рауф Толипов, Турсунбой Адашбоев, Миразиз Аъзам, Умида Абдуазимова, Тўлқин Ҳайит,

¹¹ Баракаев Р. "Истиқлол даври ўзбек болалар адабиёти: анъана, воририйлик ва изланиш". // Ўзбек тили ва адабиёти . 2003. 3- сон. 4-бет.

¹² Жамилова Б. Ўзбек болалар публицистикаси Тошкент. Фан. 2006. 95-бет

¹³// Ҳуррият 2009.8-апрель

Ашурали Жўраев каби ижодкорлар болаларга атаб асарлар яратиш билан бир қаторда, реал турмуш ҳодисаларини, ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг долзарб муаммоларини болаларга мос усулда кенг ёритиб келмоқдалар.

Истиклолдан илгари болалар учун мўлжалланган мақолаларда фақат ўзбекистонлик ўқувчи ёшларнинг кундалик юмушлари акс эттирилган бўлса, мустақилликдан кейин болалар журналистикасининг мавзу доираси кенгайди, мазмун чуқурлашди, ижтимоий долзарб масалалар ёш авлод ҳукмига ҳавола этила борди, муаллифлар болаларбоп ижодга катта масъулият билан қарай бошладилар. Шундай қилиб, ўзбек болалар журналистикаси мустақилликка интилиш ва истиклол ғояларини талқин этиш жараёнида чинакам ижодкорлик соҳасига айланди. У ёш авлодни мустақиллик мафкураси, ғояси, миллат ва миллийлик нуқтаи назаридан тарбиялашга эҳтиёж сезмоқда.

Умуман, ўзбек болалар журналистикасининг даврларда тараққий этиб боришини қуйидагиларда кўриш мумкин:

-бу соҳада адиблар ҳамда ёш қаламкашларнинг қизиқиши, ёш ижодкорларнинг изланиш олиб бориши;

- ёш авлоднинг журналистика соҳасига бўлган интилиши;

-мамлакатимизда журналистика соҳасига бўлган эътиборнинг орттиши, турли журналистикага оид муқофотларнинг таъсис этилиши;

-болалар журналистикаси аниқ мақсад сари болалар ва ўсмирларни ўз атрофида қуршаб олиши:

2006 йил тадқиқотчи Башорат Жамилова "Ўзбек болалар публицистикаси" мавзусида ёқлаган илмий ишида ўзбек болалар публицистикасининг табиати, предмети ва вазифасини тавсиф этиб, умумпублицистика ва болалар публицистикасининг ажратиб турувчи хусусиятларини ойдинлаштирган, муштарак томонларини умумлаштирган.

Маърифий –ахлоқий мақсадларга йўналтирилган публицистика намуналари орқали мазкур ижод турини ўзига хос услуби, таҳлилий тадқиқотга хос бадиийлик сирларини кўрсатиб берган. У ўз рисоласида ўзбек болалар публицистикаси босиб ўтган йўлни 3 даврга бўлиб талқин қилган.

Биринчи даврда, XX асрнинг 30 йилларидан эътиборан кучайтирила борилган мафкуравийлаштириш жараёнининг ўзбек болалар публицистикаси тараққиётига кўрсатган салбий таъсирини ҳолисона баҳолаган.

Иккинчи даврда, XX асрнинг 50-80 йилларидаги ўзбек болалар публицистикаси соҳасида ижод қилганлар салоҳияти, улар ёзган мақолалардаги услубий ранг-баранглик, офаринбозлик руҳи ва секин аста шу руҳни синдиришга хизмат қилувчи қайта қуриш тамойилларига омихталашган мустақилликка интилишга мойилликнинг кучая боровини аниқ мисоллар таҳлили асосида очиб берган.

Учинчи даврда, миллий истиқлол туфайли юзага келган янги ижтимоий – сиёсий воқелик таъсирида болалар публицистикасининг бир мунча фаоллашгани, унда таҳлил – тадқиқот санъати, услубий маҳорат, воқеликка муносабатда журъаткорлик, маънавий –ахлоқий қарашлардаги теранликнинг тобора ошиб бораётганини бир қанча қаламкаш ижодкорларнинг ижод намуналари, таҳлили асосида умумлаштирган. Худди шу ерда тадқиқотчи ўзи ўрганган объектга нисбатан публицистика истилоҳини қўллаган. Биз олиб бораётган ушбу тадқиқот ишимизни болалар журналистикаси деб номладик.

Хўш, болалар публицистикаси билан журналистикасининг фарқли томонлари борми, бўлса нимада?! Бир қарашда ҳар иккала атама ҳам бир маънони англатади.

Бироқ, мавзуга жиддийроқ ёндашилса, журналистика ва публицистиканинг муштарак ва фарқли томонлари бор. Журналистика кўпроқ сон ва қамровга-яъни фактларга, аниқ маълумотларга бугун учун "янги" эрта учун "эски" бўлган янгиликларга таянса, публицистика эса ижодкор маҳоратига таянади. Журналистикада тезкорлик, долзарблик муҳим саналса, публицистикада муаммобандлик зарурдир. Унда мантиқ, мушоҳада, ҳис-туйғулар амри билан иш кўриш кучлироқдир. Болалар публицистикаси ва журналистикасини ҳам худди шундай жиҳатлари билан фарқланади.

Истиқлол йилларида ҳаётимизда бўлгани каби миллий адабиётимиз ва журналистикамизда ҳам талайгина муваффақиятлар қўлга киритилди. Кичкинтой фарзандлар учун бир-биридан чиройли, сифатли, рангли, безакли китоблар, янги номдаги журналлар, газеталар чоп этила бошлади.¹⁴

Ёш авлодни ҳар томонлама етук қилиб тарбиялашда, улар маънавий камолотида дарсликлар, ўқув қўлланмалари, бадиий адабиёт билан бир қаторда болалар матбуотининг ҳам алоҳида ўрни бор.

¹⁴ Абдураҳмонов.А.Болаларга ёзаяпмиз. Аммо қандай ёзаяпмиз? // Ўзбекистон адабиёти ва санъати 2009.....

Бугун мамлакатимиздаги болалар ва ўсмирлар учун "Гулхан", "Ғунча", "Синфдош", "Тонг юлдузи", "Класс!", "Китоб дунёси", "Киндер-пресс", "Ёш куч", "Билимдон", "Бойчечак", "Доно", "Ниҳол", "2x2" каби газета ва журналлар нашр этилмоқда. Уларни давлат ва хусусий болалар нашрлари каби икки гуруҳга ажратиш мумкин. Бу каби нашрлар болаларнинг маънавиятини юксалтириш, дунёқарабини кенгайтириш, фикрлаш доирасини ўстириш, болаларда юртига бўлган муҳаббатини шакллантириш вазифаси жиҳатидан бир хил бўлсада, аммо йўналиш тизими, ёндашуви ва аудитория жиҳатидан фарқланади. Нашрларнинг кўпайиши эса улар орасида ижобий рақобатни юзага чиқаради. "Гулхан" журналининг бош муҳаррири Ашурали Жўраев шундай дейди: бугун болаларнинг янгидан-янги нашрлари пайдо бўлаяпти. Уларни ташкил этишда эҳтиёткорлик лозим. Бозор шароитини рўқач қилиб, болалар учун бўлар-бўлмас нарсаларни чоп этишга ҳаққимиз йўқ. Ҳар қандай ижобий рақобат замирида маънавият, тарбия ётиши лозим. Айниқса, болалар нашрлари масаласида.

"Гулхан", "Тонг юлдузи", "Ғунча", "Класс!" нашрларининг вазифаси аниқ. Лекин эндигина туғилган нашрлар изланишда, ҳамон болалар қалбига йўл топишга ҳаракат қилишмоқда. Афсуски, уларда фикрлашга ундовчи мақолалар эмас, балки енгил-елпи нарсалар ҳақида ёзилаётгани ташвишли ҳол. Дунёда "оммавий маданият" деган бало кезиб юрган экан, биз бундан биринчи галда болаларни, фарзандларимизни ҳимоя қилишимиз керак бўлади. Фақат мультфильмдан олинган суръатлар, турли мавзудаги комикслар билан саҳифаларни тўлдириш бу ҳали газета ёки журнал чиқариш дегани эмас. Ҳар қандай нашр чинакам ижод маҳсули эканлигини унутишга ҳаққимиз йўқ. Бир сўз билан айтганда бола қалби билан ҳазиллашиб бўлмайди. Чунки, боланинг қалби нозик. Болалар журналистикасининг ривожланишига тамал тошини қўйган ва ҳалиҳам уни ривожлантиришга хизмат қилиб келаётган "Гулхан", "Тонг юлдузи" газета ва журналлари чин маънода болаларнинг севимли нашрларидир. Уларнинг фаолиятига қуйида кенгроқ тўхталамиз.

1.2 Ўзбек ва Миср матбуотида анаънавий болалар нашрларининг ўрни ("Гулхан", "Тонг юлдузи", "سمير" ("Самир") газета, журналлар мисолида)

Бугун ўзбек болалар журналистикасининг ўрни янада баланд ва юксак бўлишини ҳаёт тақозо етмоқда. Айниқса, "ахборот асри" янги имкониятлар очиш билан бирга ёшлар дунёси олдида ҳам янги-янги муаммолар деворини кўндаланг кўймоқдаки, унинг қамровини кенгайтириш лозимлиги ўз-ўзидан равшан бўлиб қолмоқда.¹⁵

Бугунги кунда компьютер технологиялари ҳаётимизда мустаҳкам ўринга эга. Агар ўтган асринг 90-йиллари ўрталарида ёшларнинг энг сеvimли машғулотлари мусиқа тинглаш ва телекўрсатувлар кўриш бўлган бўлса, ҳозирда компьютер ва интернет аввалги қизиқишларни сиқиб чиқарди. Замонамиз ёшларининг 70 фоизи ўз қизиқиш ва сеvimли машғулотлари ҳақида сўз юритганда спорт, дўстлар билан суҳбатлашиш, маънавий ва маданий ҳордиқ чиқариш билан бир қаторда интернет билан шуғулланишни биринчи ўринда тилга олади.¹⁶

Дарҳақиқат, биз техника ривожланган даврда яшаймиз. Бугун компьютерсиз ҳаётимизни тасаввур қила олмаймиз. Ҳозирги пайтда анаънавий нашрлар, телекўрсатувлар, радиоэшиттиришлар фаолияти, уларнинг ижодий ёндашувлари билан интернет тармоғида ҳам бемалол танишиш мумкин. Илгари таҳририятга мақола ёзиб мактуб жўнатиш учун анча вақт керак бўлган. Ижодкор мактуб жўнатгандан сўнг уни етиб борганлиги, нашр юзини кўриш ёки кўрмаслиги ҳақидаги жавобни ойлаб, ҳатто йиллаб кутар эди. Бугун эса интернет тармоғи орқали жўнатилаётган мактуб бир вақтнинг ўзида таҳририят ходимларининг қўлига етиб боради. Ҳеч қанча вақт ўтар-ўтмас жавоб хати ҳам келади.

Журналнинг "Муҳаррир суҳбати", "Нишона", "Адабиёт ва санъат", "Маориф ва спорт", "Хатлар ва оммавий ишлар", "Пазанда", "Соғломжон", "Табиат", "Фонд лойиҳаси" каби саҳифалари мавжуд. Шеърлар, ҳикоялар асосан "Адабиёт ва санъат" саҳифасида берилади. Спорт мусобақаларида муваффақиятли ўринларга эришаётган ёшлар ҳақидаги маълумотларни "Маориф ва спорт" саҳифаси ўз ичига олган. "Пазанда" ва "Соғломжон" болалар учун муҳим маслаҳатларни бериб боради. Болаларнинг шахсий гигиена қоидаларига оид маълумотлар, турли болаларбоп таомларнинг ритцеплари айнан шу саҳифада жойлаштирилган. "Фонд лойиҳаси" саҳифаси "Гулхан" журалининг муҳлислари учун турли танловлар эълон

¹⁵ Ҳайитов Т. Бу оламга кириш қийин // Ўзбекистон матбуоти. 2009 №1-2

¹⁶ Жабборов.Ш. Тиконзордан гул излаб // Ўзбекистон адабиёти ва санъати 2009. 11-ноябрь

қилиб боради. Сайтнинг яна бир жиҳати шундаки, нашр юзини кўрган ҳамма мақола, хабарлар ҳам on-line газетада жойлаштирилмайди. Унда асосан бугунги кун учун долзарб, муҳим бўлган мавзудаги мақолалар бериб борилади. Бу журнал ижодкорларини чуқурроқ изланишга, мавзуларга жиддий ёндашишга ундайди. Бу эса ижодкордан катта маҳорат талаб қилади. Бу ҳам болаларни нашрга бўлган қизиқишини, интилишини орттиришнинг бир усулидир. Сайтда асосан муҳлислар томонидан келган ижодий ишлар ҳамда шоир ва ёзувчиларнинг шеър ва асарлари бериб борилади. Лекин журналнинг муқоваси, унда чиқадиган суръатлар учун махсус саҳифа ажратилмаган. Балки, кейинчалик бунга алоҳида саҳифалар ажратилар.

Журнал бош муҳаррир Ашурали Жўраев таъкидлашича, болалар матбуоти бугунги замон болаларининг эҳтиёжларини қондиришга дадил интиляпти. Бу анча мураккаб жараён. Матбуот ҳеч қачон тараққиётдан, юксалишдан ортда қолмаслиги керак. Бугуннинг боласи ҳар куни бир янгиликка дуч келади. Телевизордан ташқари компьютер, уяли телефон каби техник воситаларни катталардек яхши билади. Ўғил ва қизларимизни матбуот оламига муҳаббатини кучайтириш ҳам муҳим вазифа. Матбуот ўша техник воситалардан кўра қизиқарли бўлса, болаларнинг орзу – истакларига ҳамоҳанг келсагина, уларнинг эҳтиёжларини қондириш мумкин.¹⁷

Бугун қайсидир маънода ёшларнинг матбуотга бўлган қизиқишини техник воситалардан фойдаланган ҳолда амалга ошириляпти десак муболаға бўлмайди. Чунки, матбуот замон билан ҳамнафас юриши керак. Ўшандагина унга бўлган қизиқиш сўнмайди.

Унинг қуйидаги саҳифалари мавжуд: "Мулоҳаза учун мавзу"- унда асосан болалар дунёсига тааллуқли бўлган ва мактаб ҳаётида учрайдиган муаммоларни мулоҳазали мақола шаклида берилган. Мисол учун, "Миллий мультфильмлар тақчилми?", "Дарсдан қочганларга жарима", "Баланд пошна кийган қизларжон" кабиларни келтириш мумкин.

Иккинчи саҳифаси, "Спорт олами" деб номланади. Унда спорт соҳасида муваффақиятларга эришадиган ёшларнинг фаолияти, ютуқлари бериб борилади. Бу саҳифа тенгдош бўлган бошқа болалар учун мактаб ролини ўташи бежиз эмас. Учинчи саҳифасини "Баркамол авлод -2010" деб номланишидан ҳам билиш мумкинки, унда юртимизда ёш авлод учун яратилган имкониятлар ҳақидаги мақолалар, турли йўналишда, турли танловларда ғолиб бўлганлар ҳақидаги суҳбатлар бериб борилади. Иқтидорли болаларнинг юрт ҳақида ёзган ижод

¹⁷ Юнусов.М. Бугуннинг гапи // Ўзбекистон матбуоти 2009.№5

маҳсуллари билан танишишингиз мумкин. "Тонг юлдузи" газетаси болалар ва ўсмирлар нашри бўлишига қарамай, катталарга ҳам алоҳида саҳифалар ажратилган. Чунки бола тарбияси билан асосан катта ёшдагилар шуғулланиши бежиз эмас. Тўртинчи саҳифаси айнан катталар учун "Катталар эътибор беринг" деб номланган. Бу саҳифа катталарни огоҳликка ундайди. У болаларнинг катталар англаб етмаган хато ва камчиликларини ёритувчи саҳифа бўлибгина қолмай, ёши улуғларнинг болалар учун сўзлайдиган минбари ҳисобланди. Мисол учун, "Газет-пазет ўқийсанми, болам!", "Дада, шерюрак бошланди", "Телефон эрмак эмас", "ПАҚ-ПУҚ дан", "Боланинг бегонаси бўлмайди" каби мақолалар шулар жумласидандир. Ҳатто баъзи мақолаларнинг сарлавҳаси тагида таг сарлавҳа сифатида "Ота-онангиз билан ўқинг" шаклидаги огоҳлантирувчи сарлавҳалар берилади.

Хатлар саҳифасида асосан муҳлислардан келаётган хатлар ташкил қилади. Лекин таҳририят ҳамма хатларни ҳам сайтга чиқара олмайди. "Мактубларни саралаганда" саҳифасида таҳририятнинг шундай фикрлари келтирилган. "Таҳририятимизга ҳар куни кўплаб мактублар келади. Уларни саралаб, долзарбларини газета саҳифаларида ёритишга ҳаракат қиламиз. Хатларнинг аксарияти шеърлардан иборат. Афсуски шеърларнинг айримлари жуда саёз, бўш ёзилган. Шеър ёзишнинг ўзига яраша қонун-қоидалари бор. Шеърда вазн, қофия бўлиши керак. Мана шу қофиялар мос келгандагина шеър чиройли ва равон чиқади. Газета нашр қилинмаган хатлар учун "Хатим чикмади, деманг" рукни ташкил қилинган. Рукнда хатларга шарҳлар бериб борилади.

Матбуот, айниқса, болалар ва ўсмирлар матбуоти бошловчи ҳаваскор қаламкашларга катта эътибор бериб келмоқда. Газета журналларнинг ҳар сонидан ўнлаб ёш қаламкашларнинг машқлари мунтазам равишда берилмоқда. Шундай бўлса-да, бу машқлар аксарият ҳолларда ўқувчилар қалбидан жой олмаяпти, устоз шоир ва ёзувчиларнинг эътиборини қозонмаяпти. Бунинг ўзига хос сабаби бор. Сабаби, ёшларнинг кўпчилиги шеър техникасини билмаган ҳолда, шеърнинг нима эканлигини, ёзишдан мақсад нима эканлигини дилдан англаб етмай, устозларидан адабий сабоқлар олмай қоғоз қоралашларидир.¹⁸

Лекин ҳар бир нарсага секинлик билан эришилади. Бу билан газета муҳлислардан келаётган хатларни бутунлай инкор қилиш ҳуқуқига эга эмас. Бунга имкон излаш керак. Газета қошида "Ёш қаламкашлар мактаби"ни жорий этиб у ерда шоирлар, ёзувчилар билан бирга эндигина ижодини бошлаган муҳлисларни жалб қилиш керак. Шундагина юқоридаги муаммога барҳам бериш мумкин. Газета

¹⁸ Абдураҳмон.А. Болаларга ёзаяпмиз.Аммо қандай ёзаяпмиз? //Адабиёт ва санъат. 2009

сайтида мухлислардан келган энг чиройли суръатлар ҳам бериб борилади. Саҳифалар тез-тез янги маълумотлар билан тўлдирилиб борилади.

Мисрда нашр этиладиган "سمير" (Самир) журнаliga www.jarayid.com сайти орқали кириш мумкин. Журнал сайти 2009 йилда ташкил этилган. Бу жиҳатдан ўзбек нашрларининг on-line кўринишлари етакчи ҳисобланади. Сайтнинг кўринишида журнал муқоваси берилган. Унда болалар учун чиқариладиган маҳсулотларнинг рекламалари ҳам жойлаштирилган. Анаънавий журнал билан on-line кўринишидаги саҳифалар деярли бир хил. Бош саҳифасида асосан журнал ҳақидаги маълумотларни, араб оламидаги янгиликларни учратиш мумкин. Болаларнинг чизган расмлари ҳам (Суръатлар) саҳифасида бериб боради. Ўзбек болалар нашрларидан ажарлиб турувчи хусусияти сайтнинг пастки қисмида овоз берувчилар учун жой ажратилган. Журнал унинг мухлисларнинг кўллаб қувватлаб туриши муҳим саналади.

Ҳар қандай давлатда болалар тарбияси бош масала сифатида қаралиб келинади. Шу сабабми, болалар нашрларининг ҳам йўналиши ва саҳифалари бири-бирига яқин. Агар уларни турли тилларда чиқишини ҳисобга олмаганда деярли бири-бирига ўхшаш мавзуларда мақолалар нашр этилади.

1.3 «Тонг юлдузи» болалар ва ўсмирлар газетасининг йўналиши, тавсифи ва тематикаси



Бугунги болаларни нима билан ҳайратлантириш мумкин? Бу саволга дарров жавоб тополмаймиз. Чунки, кечагина биз учун мўжиза бўлган телевизор, радио, бугун эса бутун жаҳон алоқа тармоғи ҳисобланган интернет, мобил телефони ҳам аллақачон оммалашиб бўлди. Уларнинг вазифаси, фойдаси-ю, зарарли жиҳатлари ҳақида катталар қатори ёшлар ҳам маълумотга эга. Китоб ўқиш, хат ёзиш, тил ўрганиш сингари одатлар болаларнинг кундалик турмуш тарзидан ўрин олган. Баъзан ўзлари хоҳлаб, баъзан атрофдагиларнинг таъсири, тазйиқи остида бу амаллар билан машғул бўлишади. Аммо, машғул бўлишдан мақсад, муддао-чи?..

Чиндан ҳам болалар учун нима қизиқарли? Балки футбол, интернетда "Counter Strike" ўйнаш, велосипедда учиш ва ёхуд узу-кун телевизор томоша қилиш қизиқроқдир? Бу ҳам вақтинчалик чалғитишлар, маълум муддатдан кейин улар ҳам жонларига тегади. Болаларни муқим ҳайратлантирувчи ҳодиса- бу ён атрофидаги катталарнинг фикрлаши, юриш-туриши. Улар учун катталиқ даври ўзгача давр ҳисобланиб, доимо улардек бўлишга интилиб яшайди. Бу эса боланинг мурғак қалбида ҳаётга бўлган қизиқишни шакллантиради. Бола тафаккурини ўстириш кўпинча катталар масъулияти ҳисобланади. Бола гўдаклик давридаёқ бир қанча погоналарни босиб ўтади.

Маълумки, бола 2 ёшдан бошлаб нарса-ҳодисаларни идрок эта бошлайди. Кўрган воқеа, эшитган сўзларини такрорлашга уринади. Бутун "жамият"и оила ва боғчадан иборат болакайлар шу атрофда кечаётган барча ижтимоий воқеага нисбатан фаол муносабатда бўладилар. Бу даврда, асосан, ота-оналар ва тарбиячилар кичкинтойлар учун сон-саноксиз саволларга айланган атроф – теваракдаги янгиликлар, нарса-ҳодисалар ҳақида ахборот берувчи, мушоҳадага ўргатувчи масъул шахслардир. Инсон ҳаётининг пойдевори саналмиш бу оралиқ ёш хусусида машҳур ёзувчи Лев Толстой кўп йиллик кузатишлари натижаси ўлароқ; "Беш ёшли боладан менгача бўлган оралиқ бир қадам. Лекин янги туғилган чақалоқдан беш ёшгача бўлган масофа –ниҳоятда узок"¹⁹ -деган хулосага келган.

¹⁹ Жамилова Б. Ўзбек болалар публицистикаси Т.: Фан. 2006. 24-бет.

Лев Толстой фикридан болалар оламининг идрок қилиш даражаси, ҳис-туйғу ва қизиқишларини англаш нақадар оғир ва маъсулиятли эканлиги аёнлашди. К.Чуковский машхур "Иккидан бешгача" асарида ҳам айни шу давр руҳий олами, боланинг онг ва билим доираси ўсиб боришига оид қизиқарли маълумотлар тўплаган. Муаллиф инсондаги зукколик ва хушёрлик, иқтидор ва уддабуронлик, ёлғончи ва айёрликнинг аксарияти болаларда 2-6 ёшдалик даврдаёқ тўла шаклланиши ва намоён бўлишини асослаб беради.

Демак, болалар публицистикасининг илк босқичини 2-6 ёшли кичкинтойларга дахлдор деб ҳисоблаш мақсадга мукофикдир. Бунда публицистика асосан, оғзаки ва ёзма шаклда соддароқ ифодада акс этади. Масалан, "Ким?", "Нима?", "Қаерда?" сингари оддий саволлар ечими ахборотларда кичкинтойлар учун баён қилинади.

7-12 ёшдаги болалар эса ўзгачароқ табиат эгаси. Бу ёшдаги ўқувчилар оила, боғча тасарруфидан чиқиб, кенгроқ доирада ижтимоий фаолиятга аралашади. Шу боисдан ҳам оламини аста-секин таниб келаётган ёш қалбларда инсонийлик туйғуларини тарбиялаш, ватан, миллатга муҳаббат ва ундан ғурурлана олиш хиссиётларини уйғотиш ниҳоятда муҳим. Бу улкан тушунчаларнинг асосий томирчалари жажжи хабарлар, лавҳа ва ахборотларда акс этиши муҳим сиёсий воқеалар, йирик қурилиш ва ишлаб чиқаришдаги айрим маълумотлар қисқа ҳикоя ва расмлар орқали бериб борилади.

12-17 ёшли ўсмирларга бағишлаган публицистика эса нисбатан янада кенг камровлилиги, теранроқ мулоҳазаларга бойлиги билан ажралиб туради. Демак, 2дан 17 га қадар бўлган ёшлар оламини шартли равишда кичкинтойлар, болалар, ўсмирлар гуруҳига ажратиб, уларга бағишланган публицистика ва ёшлар ижодкорлигини фарқлаш мумкин. Зеро, ҳар бир ёш оламини идрок этиш даражаси турличалиги билан ажралиб туради.

Масалан, кичкинтойлар учун кенгроқ ҳажмдаги "ўта ақлли гаплар" жиддий, сиёсий мавзудаги мақолалар зерикарли бўлса, ўсмир ёшидаги болалар учун аксинча, эркаловчи сўзлар, эртакнамо лавҳалар, болаларча майин оҳанг эриш туюлади. Шу сабабли уларбоп нашр маънавий-ижтимоий моҳиятига кўра изчил бир тизимдан иборат бўлса-да, улар ўзаро услубий жанрий кўринишларига кўра тафовутланади.²⁰

Битирув – малакавий ишимизда таҳлил қилаётган "Тонг юлдузи" болалар ва ўсмирлар газетаси 1929 йил 1-августдан "Ленин учқуни" номи билан фаолиятини

²⁰ Ўша манба.

бошлаган, 1992-йилдан бошлаб "Тонг юлдузи" номи билан юритилиб келинмоқда. Самарқандда "дунёга келган" илк болалар газетаси 3000 нусхада чоп этилган эди. 1931 йилдан эътиборан газета Тошкент шаҳрида нашр этиб келинмоқда. Мустақиллик туфайли "Тонг юлдузи" газетаси янада ҳам мазмунан. Ҳам шаклан гуллаб яшнади. Энг қийин пайтларда, газетани нашр қилишда узилишлар бўлган даврда шахсан Юртбошимизнинг саъй-ҳаракати билан "Тонг юлдузи" оёққа турди. Бу бекиёс катта ғамхўрлик ҳозиргача давом этмоқда.²¹

У Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, "Камолот" ЁИХ Марказий кенгаши, "Соғлом авлод учун" ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро ҳайрия жамғармаси муассислигида нашр этилади. Нашр ўз олдида болалар ва ўсмирларни она Ватанга муҳаббат, юртга садоқат, миллий кадриятларимизга хурмат руҳида тарбиялашга хизмат қилиш вазифасини қўйган. Шунингдек, давлатимиз сиёсатини содда, равон тилда етказиш дунёқарашини кенгайтириш, билим ва салоҳиятини янада бойитиш, она табиатни севиш ва асраш кабиларни мақсад қилган. Газета ўзбек тилида ҳафтасида бир марта нашр қилинади. (йилида 52 марта) 8 бетдан иборат газета, асосан, 8-18 ёш оралиғидаги болаларга мўлжалланган. 2000 йилдан ҳозиргача бўлган даврда газетада бир қанча қизиқарли саҳифалар нашр қилган. Мисол учун, катталар кўзга илғамаган камчиликларни ва ижтимоий ҳаётнинг баъзи муааммоларига бағишланган саҳифа "Зирапча" номи билан аталган. Унда асосан ёш муҳбирлар ёзишига қарамасдан, жуда зийрак ва равон тилда ёзилган. 2000 йил 9-ноябр газетанинг 45 сониди худди шу саҳифада қуйидаги мақола нашр этилган эди.

Эй, ҳорманг...

Ҳурматли ҳоким бобо! Қабулингизга бир неча бор киришга ҳаракат қилдик. Аммо, "Пайшанба, қабул кунини келинг" деб оптимизга қайтаришди, сабаби "пахта сиёсати" авжсида эмиш...

Шунинг учун ҳам сизга газета орқали мурोजсаат қилишга мажбур бўлдим. Гапнинг индаллосини айтсам, шу йилнинг октябрь ойидан бери пахтакорларнинг хонадониди шомдан то тушгача электр чироғи ёлчителиб ёнмайди. Яна тумандаги 12 та қишлоқ умуман газлаштирмагани етмаганидек, газ бор жойларда зангори олов бир товуқ тухумини шилитгудек ҳам ёнмайди. Натижада, қишлоқ хонадонларида қора чироғу, қора қумгон ҳақиқий хизматкорга айланган.

²¹ Раззоқов Ж. Тонг юлдузи шуъласи // Гулхан. 2009. №10

24-, 19-умумтаълим мактаблари газлаштирилмаган. 19-мактабнинг 2-,3-синф ўқувчилари ўқийдиган хоналар хашар йўли билан тикланган эди. Қиш кунларида ўқувчилар ўз уйларида ўтин олиб бориб, хоналарни иситишга ўрганиб қолишган. Мактабда соғломлаштириш маскани-ю,спорт майдонларини бунёд қилиш хашарчиларнинг қўлидан келмади.Мактаб атрофидаги юқори қувватли электр трансформатори ота-оналарнинг юрагига ҳар дақиқа ҳавф солиб туради. Шу мактабнинг 3-Г синф ўқувчилари Ахрор Қамбаров, Ёрқин Муҳаммадиев, Элёр Собиров, Мирзаали Маматқуловлар мактаб ҳовлисида 4-5 қадоқ пахта топиришаётганининг гувоҳи бўлдим. Маълум бўлишича, улар бошланғич синф раҳбарининг кўрсатмасига биноан даладан кўсак териб, уйларида чувиб, тонгдла мактабга олиб келишар экан. Мактабнинг 180 нафар юқори синф ўқувчилари юқоридаги "шарт"ингизга-да кўниб, 20 тоннадан ортиқ пахта териб беришибди. "Ўқувчилар теримчилар қатори бирор марта бўлса ҳам рағбатлантирилмади?", деган саволимизга уларга етакчилик қилаётган Иброҳимжон Маназаров, Азиза Сулаймова, Мақсуда Абдуллаева ҳам, мактаб директори М.Эргашев ҳам бир овоздан "йўқ" деб жавоб беришди. Теримчиларга берилган таътилда, яқин икки ой давомида мададкор бўлаётган ўқувчилар наҳотки дам олиш соатларида телевизор кўриб, радио эшитиришдан маҳрум қилишган бўлса. Бу хатимни туман халқ таълими мудирини А.Дехқоов, Ҳакимзода номли ширкат хўжалиг раҳбари С.Мамадалиевлар ўқишса дейман. Ҳақиқатни олиш мардларга, одил инсоларга хос.²²

Шундай мақолалардан яна бири:

Туманимизнинг “Соғлом авлод”жонкуярлари

“Биз Бухоро вилояти, Шофиркон туманининг Шўробод қишлоғида яшаймиз. Ҳозир ўқувчиларимизнинг ёзги таътил кунлари. Қишлоғимиздаги лойқа ва микробларга “бой” бўлган сув ҳавзалари қишлоқ болаларининг энг сеvimли масканига айланган. У ерда “мазза” қилиб чўмилиб чиққан болаларнинг лойга беланган башараларини кўрсангиз, кимлигини ҳам танмай қоласиз. Ушбу йилимиз “Соғлом авлод йили” деб эълон қилинганига ҳам ярим йилдан ошаяпти. Шаҳар жойларида болаларнинг саломатликларини тиклашлари, мароқли ҳордиқ чиқаришлари учун етарлича шарт-шароитлар яратилаётгани ҳақида кўп эшитамиз, кўрамыз. Лекин бизнинг қишлоғимизда бу боради ҳеч қандай силжии сезилмаяпти. “Бу туманда оромгоҳлар йўқмикан?”деб ўйлашингиз мумкин.

²² Азим Муҳитдинов. Эй, ҳорманг... //Тонг юлдузи 2000.11-ноябрь

*Туманимизда биттагина оромгоғ бор. У ҳам бўлса ҳар мавсумда 8 тадан, кичикроқ мактаблардан эса 3 тадан бола қабул қилади, холос. Қишлоғимизга табиий газ ўтказилган. Лекин ичимлик суви иншооти қурилмаган. Битта бор эди. Лекин унинг ишламай, ташландиқ ҳолга келиб қолганига ҳам 5-6 йил бўляпти. Ҳафтасига бир маротаба машинада ичимлик суви келтирилади. Лекин бу сувнинг ҳафта давомида исикда идишларда туравериб қай аҳволда келиб қолишини бир тасаввур қилиб кўринг-а! баъзи пайтларда сув ташийдиган машиналар ҳам кўринмай қолади. Шунда ҳеч иложсиз ариқдаги сувдан истеъмол қилишга мажбур бўлаяпмиз. Ҳовлиларимизда қурилган кичик қудуқларимиз бор. Лекин улардан чиқадиган шўр ва тахир суви сигир-бузоқлардан бошқа ҳеч ким ича олмайди. “Соғлом авлод” жонкуярлари бу масалалар ҳақида жиддийроқ ўйлаб кўришса, ёмон бўлмасди. Менинг бу гапларим танқид кўзи билан эмас, таҳлил йўли билан ечимини топади, деган умиддаман”.*²³

Кейинги саҳифаларида бу мақолаларга жавобан ўзағаришлар юз берганлигини ёки ваъда беришганлиги ҳақида мақолалар чоп этирилган. Бу каби мақолалар болалар матбуоти равнақи учун муҳим саналади.

Ўша вақтларда газета оқ-қора рангда нашр қилинган 2003 йилга келиб газетанинг биринчи ва охириги бетлари рангли тарзда нашр этила бошлади. Ҳозирда эса деярли ҳар бир саҳифаси рангли тарзда чоп этирилади.

Болалар ижодкорлари ёхуд умуман адибларнинг болаларга ёзган мақолаларда хат шаклини танлашлари ҳам бежиз эмас. Чунки, хат шакли муаллифга ўқувчини яқин дўст, маслакдош тутиб, дилдан ёзиш имкониятини туғдиради. Бунда табиийлик устувор. Газета асосан мухлислардан келган хатлар асосида тузилади. Улар хат орқали турли ижод намуналарини, илтимосномалар, расм ва суръатлар, бошқотирма жавобларини жўнатишади. Умуман болалар журналистикасида оммалашган жанрлардан бири бу хат жанридир. Бу жанр болалар матбуотининг негизини ташкил қилади ва чоп этилаётган баъзи мақолалар хат шаклида ёзилганлиги билан ҳам ўзига тартади. Мисол учун, "Тонг юлдузи" газетаси хатларни "Тенгдошларнинг ижоди", "Хатлар тегирмони", "Бувимга мактублар" сарлавҳалари остида чоп этади. Газета бош муҳаррири Тўлқин Ҳайитовнинг айтишича, бир йилда "Тонг юлдузи" газетаси 20.000-30.000 атрофида хат олар экан. Бу болалар матбуоти учун яхши кўрсаткичдир.

Болалар журналистикасида кичкинтойларга бевосита мурожаатнинг устуворлиги унинг яна бир муҳим белгисидир. Бундай мақолаларнинг аксарияти

²³ Дилбар Ҳикмат қизи. Туманимизнинг “Соғлам авлод” жонкуярларига //Тонг юлдузи. 2000. 3-август

ёшлар билан фикр алмашинув, "дўстона гурунг", мушоҳадага киришиш, "суҳбат куриш" ва ўзларига тез-тез мурожаат усулида ёзилади. Натижада, ўқувчи мулоҳаза юритиш, воқеликни таҳлил ва талқин этиш, уларга муносабат билдира олишга чоғланади. Шу орқали ижтимоий онг уйғониб, ижтимоий дунёқарашнинг шаклланишига таъсир кўрсатади. Газета катта ёшдагилар ва болалар матбуотига боғлиқ бўлган шахслар билан, ёш истеъдодли болалар билан кўплаб суҳбатлар ташкил этган. Газета саҳифаларида бундай суҳбатларни бериб бориш эса муҳлисларга маълумотлар бериш билан бирга юқори чўққиларга интилиш ҳиссини ҳам шакллантиради. Газетада алоҳида "Мактаб саҳнаси учун" рукни ташкил этилган. Унда мактабда ўтказиладиган байрам сценарийлари билан бирга, тадбир хабарлари, лавҳалар, фотокўргазмалар берилади. Бу каби тадбирлар саҳифада бола тилидан сўзланиши билан эътиборни тортади.

Яна бир саҳифаси "Оламда гап кўп", ёки "Бир ўқ атрофида айланар дунё" саҳифаси дунёда бўлаётган янгиликлардан воҳабар этади. Унда асосан интернет манбаларидан хабарлар таржима қилиб болаларга етказилади. Аммо бу каби хабарчалар қандайлигича бўлса шундай етказилган. Мисол учун: **"Коул кемасининг ҳалокат сабаблари аниқланди"**

"Яман ҳукумат вақилларининг айтишича, АҚШ кмаси "Коул"нинг портлаш сабабларининг аниқланиши жараёнида яқунланди. Ушбу кемани портлатишда қатнашган ва унга раҳбарлик қилган террорчиларнинг номлари ҳам айтиб ўтилди. Унга кўра, портлаш уюштирувчи Муҳаммад Омар ал-Хорразий экан. У бир неча камекадзелар ёллаб, уларни катта пул ва портловчи моддалар билан таъминлаган. Ҳозирда ушбу террорчи халқаро қидирувда ҳисобланади".²⁴

Бундан тақари "Грузияда ўғирланган БМТ вакиллари озод этилди", "Барак истеъфога чиқмоқда", "Хитойда Фалун-гон аъзоларининг намойиши", "Навоз шариф мулки мусодара қилинди" ёки икки давлат ўртасидаги мунозарали маълумотлар саҳифада берилади. Ёш бола бу каби бу каби қийин жумлаларни тушунмаслиги аниқ. Ўз ўзидан бу саҳифани шунчаки варақлаб кетишга мажбур бўлади. Бугунги "Тонг юлдузи" газетаси саҳифаларида бундай хабарларга барҳам берилгани қувонарли ҳол.

Газета ташкил этилганидан то ҳозиргача анаъана сифатида муқим сақлаб клаётган одати мавжуд. Яъни ҳеч бўлмаганда бир ойда бир марта газета ичида китоб нашр этади. Китоб кесишга мўлланган бўлиб уни муҳлислар кесиб китоб холига

²⁴ Оламда гап кўп саҳифаси. //Тонг юлдузи. 2000. 21-декабрь

келтириб, кутубхонасини тўлдириши мумкин. Бош муҳаррир Тўлқин Ҳайитов бу ҳақда шундай дейди:

- "Ўқувчиларимизни лотин алифбосида босилган китобларга бўлган эҳтиёжларини қондириш ҳамда мактаб кутубхоналар фондиди тўлдириш мақсадида, эндигини ёзилган "иссиқгина" эртақларни, асарларни айнан бизнинг газетамизда биринчи бўлиб ўқишлари учун, газетамизнинг ҳар ойдаги ички саҳифаларида китобчалар чоп этаймиз. Муҳлисларимиз уни китоб шаклида қирқиб олиб, мактаб кутубхона фондиди тўлдиришмоқда. 80.000 та газета етиб борадими, демак, бу 80.000 та китоб бор дегани. Бугунги юрт болалари кечагидан анча фарқ қилади. Демак, чиқараётган газета ва китобларимиз ҳам уларга мос бўлиши керак. Болалар газета ва китобларни ўқимай қолишди деган гапга умуман ишонмайман. Биз уларнинг эҳтиёжларини қондирадиган газета ва китобларни нашр қилсак, улар албатта ўқишади".

Энди диққатингизни газетанинг 2000-2010 йиллардаги ададига қаратмоқчиман.

Диаграмма....

Бугунги кунда эса газета 80.752 нусхада чоп этирилаяпти.

80 ёшни қаршилаган газета тарихида бир неча муҳаррирлар **Ҳотам Қирғизбоев, Ҳидоят Ҳасанова, Йўлдош Шамшаров, Умар Хўжаев, Санжар Тилла, Рамиз Бобожон, Ғани Жаҳонгиров, Сухроб Йўлдошев, Жаббор Раззоқов, Абдурахим Абдуллаев, Абдусайд Кўчимов, Акром Бердимуродов, Умида Абдуазимова** каби жонкуярлар фаолият юритган. Бугунги кундаги бош муҳаррир Тўлқин Ҳайитов газета ютуқлар ҳақида шундай дейди:

Болалар журналистикаси қийин соҳа. Болалар учун ёзиш энг мураккаб жараён. Тўғри, "мана-ман" деган ижодкор қисқа муддат ичида мақола ёзиб ташлаши мумкин, аммо у ўқувчи қалбига етиб бормаса-чи? Бола руҳиятидан, дунёқарашидан келиб чиқиб ёзиш эса ўта қийин. Унинг бир оз бўлса-да, болалик дунёсига кириши керак. Юртбошимиз томонидан ёшлар ҳар бир соҳада иқтидорини намойиш қилиш учун имкониятлар яратилган. Шунинг ўзи ёшларга ва уларнинг ютуқларини оммага ёядиган болалар нашрларига бўлган катта эътибордир. Чунки, бизнинг асосий муҳлисларимиз бу болалар ва ёшлар! Айниқса, охириги 3-4

йил ичида болалар нашрларига жуда катта эътибор қаратилди. Буни "Тонг юлдузи" газетаси мисолида олсак, жамоамиз 2009 йил "Энг улуғ, энг азиз" танловида 2-ўринни олди. "Эътироф-2009" кўрик - танловида болалар ва ўсмирлар газеталари орасида 1-ўринга эгаллади. Газета Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда Хитой элчихонаси томонидан ташкил этилган "Олимп сари йўл" "Пекин -2008" танловида иштирок этди. Республика газеталари ўртасида "Тонг юлдузи" жамоаси ғолиб деб топилди. Ҳар бир танловнинг ўзига яраша катта ўрни бор. Республика миқёсида шундай танловларда ғолибликни қўлга киритган экан, бу аввало мамлакатнинг болалар матбуотига бўлган эътибори ҳамда газетамиз жамоасининг бирдамликда ҳаракат қилишидир. Болалар журналистикасида ёшлар ижодкорлиги ҳам алоҳида мақвега эга бўлиб, ҳаваскор қаламкашларнинг болаларча идрок ва руҳда ёзилган хат, хабарлари, кичкинтойлар матбуотида кўплаб учраса-да, унинг асосида, барибир, ёшлар дунёқарашига мувофиқлаштирилган мақола, лавҳа ва очерклар ташкил қилади. Зеро, болалар журналистикаси ўсмирларнинг тафаккурлаш салоҳияти, ҳаётдаги реал ҳодисалар таҳлили ҳамда публицистик тадқиқот хулосаларидан келиб чиққан мушоҳадалар замирида шаклланиб боради ва бола дунёқарашида ўзгариш ясайди, уларнинг ўйинқароқликдан шахс сифатида камол топишига маънавий ёрдам беради.²⁵ Айниқса, газета саҳифаларида нашр қилинган "Терроризм тараққиёт душмани", "АҚШ ёшлари террорчиларга қарши курашмоқда" каби ёмон иллатларни ёшлар онгида сингдиришдан сақловчи мақолаларда уларнинг зарарли оқибатлари ҳақида мушоҳада юритилган.

Газета "Иқтисод сабоқлар" рукнидада мактаб конкурсининг 1999-2000 ўқув йили мавсумига атаб иқтисодий сабоқларни, бозор иқтисодиёти, мамлакатимизнинг бозор иқтисоди ётига ўтиш йўлларини, реклама нималигини, бизнес режа ишлаб чиқиш йўлларини батафсил тушунтириб берган. Бу саҳифа асосан мактаб битирувчиларига бағишланган.

Газета ёшларнинг ҳақиқий маънодаги маслаҳатчиси бўла олади. Мактаб битирувчи қизлар учун "Мафтун этай десангиз", "Уй вазифани қандай тайёрлаш керак", "Лунатик болага йўлланма" каби насихатамуз мақолалар билан катталарга ҳам маслаҳатлар бериб келади. "Фарзандингизга китоб олдингизми", "Оналарга болалар севган ранглар ҳақида", "Болангиз хонасига қандай ранглар маъқул" каби мақолалар шулар жумласидандир.

Молдаван адиби С.Вангли фикрича, болалар учун ёзганда болага айланиш (болаларча фикрлаш)нинг ўзи кифоя қилмайди, бу вақтда болани қай томонга

²⁵ Жамилова Б. Ўзбек болалар публицистикаси Т.: Фан. 2006. 45-бет.

бошлашни билиш учун етук инсонлик ҳам зарур. Таъкидлаш жоизки, болалар публицистикасининг негизини ҳам етук инсонлик фаолияти белгилайди ва ёш авлодни болалик дунёсидан катталар оламига етакловчи "робита" ҳисобланади.²⁶

"Болалар журанлистикаси- бу беғубор журналистика. Болалар газетаси ва журналлари - қисқа, лўнда ва қизиқарли воқеаларга бой нашр. Унда олди-қочди кетмайди, болаларни алдаб ҳам бўлмайди. Болалардан келган беғубор хатлар, мақола, ҳикоя, репортаж, шеърлар, эртаклар ҳамда турли - туман даъватлари билан газета-журналлар пайдо бўлади. Бу газета ва журналларни ўша вақтлардан то ҳозиргача кирмаган хонадони, ўқилмаган синф газетхони бўлмаса керак".²⁷

Газета бу эрталабки нон. "Тонг юлдузи" газетаси ҳар йили ижодий сафарлар уюштиради. Ўқувчилар билан юз-юз гаплашиб, уларнинг қандай мавзуларга қизиқишини ўрганади. Бу тажриба газета фаолиятини қизиқарли олиб боришга ундайди. Газета ўз кутубхонасидан вилоятдаги муҳлислар учун китоблар совға қилади. 2008-2009 йилдаги ижодий сафарда "Тонг юлдузи" газетаси ўқувчиларга 33.000 дан ортиқ китобларни –роман, қисса ва эртакларни мамлакатимиз мактаблари ва ёшларига совға қилган эди. Ҳар бир вилоятга сафар қилгандан сўнг, ўша вилоятга аталган газетанинг махсус сони нашр қилинади. Вилоят ёшларига аталган махсус сон рангли қоғозда, фақат вилоятдаги ёшларнинг ижодлари, уларнинг ютуқларига бағишланади. Вилоятлардан тез-тез ёзиб турадиган жамоатчи муҳлисларимизнинг асосий қисмини болалар ва ўсмирлар ташкил этади. Ҳозир уларнинг сони 600 нафардан ошиб кетди.

-Мен таҳририятимиз ижодкорларига "Ҳеч қачон хонага ўтириб қолманглар. Вилоятма- вилоят юринглар. Шунда берилаётган маълумотларда табиийлик сезилиб туради. Чунки биз, болалар дунёни "бошқарамиз. Лекин бошқарганда ҳам улар дунёсига ҳиёнат қилмаслик керак." -дейди Тўлқин Ҳайитов.

Газетани варақлаганизда саҳифаларда кўп мақолаларни, хабарларни, хатларни, шеър ва ҳикояларни учратасиз. Мақолаларнинг ҳар бири бола тилидан, унинг ўй-хаёлларидан келиб чиқиб ёзилган. Қуйидаги мақолаларда ўсмир ёшлар орасида учрайдиган баъзи муаммолар борасида ёндашилган муаммоли мақолаларни ҳам учратиш мумкин. Мисол учун: "Баланд пошна кийган қизларжон", "Интернетдан ким нима ўрганапти", "Китобсиз дунё ҳидсиз гулга ўхшайди", "Инсон ҳусни одобда", "Мактабда миш-миш", "Миллий урф-одатлар ёшлар талқинида", "Компьютер касаллиги" , "Фарзандингиз пулни нималарга

²⁶ Жамилова Б. Ўзбек болалар публицистикаси Т.: Фан. 2006. 16-бет.

²⁷ Раззоқов. Ж. Беғубор журналистика //Тонг юлдузи. 2009. 5-октябрь

сарфламоқда", "Ўрганганим ўзимники", "Ака-уқангга билдирма ёхуд яна фарзанд тарбияси ҳақида", "ПАҚ-ПУҚ"дан, "Фарзанд деб яшаймиз", "Келажакнинг имтиҳони", "Табиат ва сув" ана шулар жумласидандир.

Болаларнинг қизиқ бир одати бор. Қил деганингни қилмай, қилма деганингни қилади. Уларга тазйиқлар кўрсатиб, койишдан кўра, шу каби мақолалар ўзлари ўқиб хулоса чиқаришлари учун ҳавола этилади.

Газета қошида "Ёш мухбирлар" тўгараги ишлаб турибди. Бугунги кунда унинг иштирокчилари сони олти юздан ошган.

Саҳифаларимиз ҳақида гапирадиган бўлсак, бирор бир рукн ташкил қилишдан олдин жамоамиз билан болаларнинг вақти ҳамда мавзунинг аҳамияти ва долзарблиги жиҳатида кўп бош қотирамыз. Болаларга дарс вақтида ҳалақит беролмаймыз. Шунда уларга берилган танаффусдан унумли фойдаланган ҳолда, "Қувноқ танаффус" саҳифасини ташкил этган эдик, бу жуда яхши натижа берди. Шунингдек, "Қизлар академияси" саҳифасининг нуфузи ошди. "Доно бобо"нинг ҳам ўз мухлислари бор. "Истиклол илҳомлари"га келадиган хатларнинг сони жуда кўп. Ёш мухбирлар орасидан турли кўрик- танловларда ғолибликни қўлга киритаётган ўқувчиларнинг борлиги бизни қунантиради. Вилоятда мавжуд ижодий тўғараклар билан узвий алоқамиз. Уларда қатнаётган ёш мухбирларнинг ижодларидан намуналарини мунтазам бериб боряпмиз-дейди газетанинг бош муҳаррир ўринбосари Феруза Жалилова.

Умуман, болаларбоп барча асарларда ёш авлоднинг дунёқараши, тафаккури , ўй-кечинмалари, орзу-истаклари, воқеликка эстетик муносабати ўз ифодасини топади. Уларнинг аксарияти ёзувчилар (катталар) томонидан яратилсада, воқелик болалар дунёқараши нуқтаи назаридан талқин ва тадқиқ этилади, болалар тилидан ҳикоя қилинади ва баҳоланади. Акс ҳолда, болалар уни идрок эта олмайди. Табиийки, бундай баён усули болалар публицистикаси намуналари учун ҳам белгиловчи аҳамиятга эга. Матбуотда хизмат қиладиган ҳар бир ходим болаликнинг покиза оламидаги беғуборликни, соддаликни ва самимиятни ўқувчилар қалбига етиб борадиган тарзда маҳорат билан бахш этиши лозим.

"Бола тилида ёзиш, ижод қилиш жуда қийин жараён. Муаллиф болалар руҳиятидан келиб чиқиб ёза оладиган, уларнинг нима хоҳлаётганини, нима қизиқтираётганини ҳис қилиши керак. Болалар учун ёзадиган ижодкорларнинг неча ёш бўлишидан қатъий назар қалбининг бир четида болаларча беғуборлик, қувноқлик, кези келганда, қайсарлик ва тантиқлик бўлар экан. Яна шуниси ҳам

борки, муаллиф ёзаётган асарида боланинг қалби, дунёси, ҳис – туёғуларини нечоғлиқ англаши сезилиб туради ".²⁸

Худойберди Тўхтабоевнинг бу ҳақдаги фикри: "Болалар ёзувчиси бора-бора боланинг ўзига ўхшаб қолади. Болалар дунёсида ҳар бир боланинг ўзи бир олам. Улар дунёсидан ўзимни –ўзим топдим".²⁹

²⁸ Отақулова Э. Болалар нашрларига эътибор // Ҳуррият. 2010.07-апрель

²⁹ Тўхтабоев.Ҳ. //Ҳуррият.. 2009.08-апрель

II-боб: Ўзбек ва Миср матбуотида болалар журналлари

2.1 Болалар журналларининг пайдо бўлиши ва ривожланиши

Ўзбек матбуотида болалар учун мўлжалланган илк нашрлар асосан журнал қиёфасида чоп этирилган.

Маълумки, журнал - босма даврий нашр ҳисобланади. Журнал ҳам газета сингари жамоатчилик фикри ва дунёқарашини шакллантиришда муҳим роль ўйнайди. Журналлар безаклилиги ва салмоқлилиги билан бошқа оммавий ахборот воситаларидан ажралиб туради.

Одатда, журналлар ҳажми, шакли, йўналиши билан газетадан фарқ қилади. Улар ҳафтада, ўн кунда, икки ҳафтада, ойда бир марта чоп қилинади. Шунингдек, йилда 4-6 марта, ҳатто ундан ҳам камроқ чиқадиган журналлар ҳам бор. Журналлар моҳиятига кўра, ижтимоий-сиёсий, адабий-бадиий, (тармоқ журналлари), илмий-оммабоп, илмий-ахборот ва рефератив, библиографик, ҳажвий, спорт ва турли-туман мавзудаги журналларга бўлинади. Бундан ташқари, мазмун-йўналишига кўра, болалар ва ўсмирлар, хотин-қизларга мўлжалланган турли хил журналлар нашр қилинади.

Журнал дастлаб XVI асрнинг иккинчи ярмида Ғарб мамлакатларида пайдо бўлиб, ўша даврда газетадан қатъий ажратилмаган. Айрим мамлакатларда газеталар ҳам журнал деб юритилган.

Туркистонда журнал кўринишдаги нашрлар XIX асрнинг охирида пайдо бўлган. Туркистонда биринчи журнал "Среднеазиатский вестник" ("Ўрта Осий хабарчиси")дир. Унинг 10 сони чиққан. Ўзбек миллий матбуотида Маҳмудхўжа Бехбудий журнал нашрига асос солган сиймо ҳисобланади.³⁰

XX аср бошларидан Туркистон ўлкасида оммалаша борган жадидчилик ҳаракати натижасида 20-йилларга келиб, матбуот ва маориф, адабиётга ижобий ўзгаришлар рўй берди. Бу билан эса муҳим воқелик болаларнинг ўз минбарларига асос солинди. Ўзбек матбуотида болалар учун мўлжалланган илк нашрлар асосан журнал кўринишида чоп этирилган. Баъзилари доимий равишда чиқиб турган бўлса, баъзилари эса маблағ етмаслиги, ўз аудиториясини топа олмаганлиги, йўналишини нотўғри танлагани сабаб 1-2 сон чиқиши билан фаолиятини тўхтатган.

Бошқа ўлкаларда бир мунча илгарироқ пайдо бўлган болалар ва ўсмирлар газета журналлари тажрибаси, жумладан, озарбайжонча "Дебистон" (1906), "Мектеб"(1911-1920); Россияда Октябрь тўнтарилишигача чиқиб турган "Родник", "Маяк", "Юная Россия", " Северное сияние " (1919)каби журналлар, улардаги ёшлар савиясини оширишга қаратилган

³⁰ Абдуазизова Н. Мустақил Ўзбекистон журналистикаси тарихи Т.: Академия. 2007.19-20 б

публицистик мақолалар ҳамда ушбу нашрларнинг ўткир сиёсий руҳи бунда ҳар жиҳатдан ижобий ўрнаткич бўлган.

Туркистонда 1919 йилда Ёзувчилар тўдасининг "зўр тилак ила майдонга қўйилгон мажалла"си орқали ўзбек болалар журналистикасига асос солинди. 1919 йил 23 майда Самарқанддаги 1-татар билим юрти талабалари томонидан чиқарилган "Болалар йўлдоши" журнали болалар журналистикасидаги илк намунадир. Ундаги сўз бошидан маълум бўлишича "Николай сиёсати ва николайчиликнинг ижтиҳодлари (бор куч билан интилиш, аҳд қилиш) соясинда бошланган уруш" ўлкани хароб этиб, қаҳатчилик ва қимматчилик ила юрт "сарсон ва ажин"бўлган бир вақтда мактабларга китоб, ўқув қуроллари етарли бўлмаганидан, шу кўргиликларни қопларлик йўл излаш, ўқувчиларнинг "ёзув кучини"орттириш мақсадида болалар нашрига асос солинган. Муҳими шундаки, журналнинг дастлабки сонидеёқ унинг аниқ мақсадлари белгиланиб берилган. Чунончи, "...мажалла икки бўлак берилиб, аввалги бўлаги ўқувчилар қалами ила олиб борилур, кейинги бўлаги ўқувчилар тўлдиролмаганда ёзувчилар тўдаси (хайъат таҳририяти) қўлидан ўтказилур ва мумкин бўлган қадар ўқувчиларга ўрин кўпроқ бериладир...Туркистон ўлкасидаги ёш ўқувчи ва ўқитувчилар, албатта, бу зўр тилак ила майдонга қўйилган мажаллага товуш берсунлар!" Бу чақириқлар журнал аудиториясини йиғишга қаратилган.

Дарҳақиқат, унда болалар журналистика учун етакчи омил ҳисобланган ёшларнинг иштироки шарт қилиб қўйилади. Бундан ташқари, Қ.Орипов 1919 йил май ойларида "Ёш Шарқ" номли журнал босмадан чиққанлиги ҳақида маълумот беради. Таъкидланишича, журналга Финкельштейн муҳаррир бўлиб, унинг редколлегиясида маҳаллий ёшлардан Раҳим Иномов, Зиё Саид, Боту, Акмал Икромов, Аъзам Аюб, Усмонхон, Жулкунбой, Мирмулла, Чўлпон, Элбек кабилар газетага айлантирилган ушбу нашр билан ҳамкорлик қилиб, 10-сонигача чиқаришга муваффақ бўлганлар.

1921 йилда Халқ Маорифи Комиссарлиги томонидан "ёш ўқувчилар орасида онг-билим тарқатув йўлида чиқарилатургон ўзбекча болалар" журнали-"Болалар дунёси" номи остида нашр этилди. Ундаги Чўлпон, Субутой, Хуршид шеърлари, Раҳим Солининг ҳикоялари, Мажид Усмон ("Қимматли тортик"), Улуғ ("Ҳаво шари", "Бобомдан эшитганларим", "Онгли бола") мақоллари адабий-бадиий нашрнинг мундарижаси ва йўналиши ҳақида яхлит тасаввур уйғота олади.³¹

Болалар ва ўсмирларга мўлжалланган адабий-бадиий безакли болалар журнали "Гулхан" ҳам узок тарихга эга. "Гулхан" журнали ҳам собиқ шўро даврида пайдо бўлгани, шўро болаларига шўро тузимини ва унинг ғояларини тарғиб-ташвиқот қилгани ҳақида маълумотлар бор. Журнал тарихини варақлаганда унинг 1929-йилнинг январида "Ёш куч"номи билан чоп этилгани ҳақида аниқ маълумот бор. 1941-йилда вақтинчалик тўхтатилган. 1952-йилдан "Пионер"номи билан қайта нашр этила бошланган. Қисқа

³¹ Жамилова Б. Ўзбек болалар публицистикаси Т. Фан. 2006, 66-67-б.

муддатдан сўнг журналга "Гулхан" деб ном берилган.³² Бугунги кунда журнал А4 форматда нашр қилинади. У 16 вароқ, 32 бетдан иборат.

Журнал Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, матбуот ва ахборот агентлиги, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши ҳомийлигида нашр қилинади. У 10-16 ёшлар оралиғидаги болаларга мўлжалланган. Даврийлиги: ойида бир марта чоп этирилади. (бир йилда 12 марта). Ҳар қандай нашр пайдо бўлар экан, албатта, унинг мақсад ва вазифалари белгилаб берилади. "Гулхан" журналининг мақсад ва вазифаси, болалар онгида миллий ва умуминсоний, диний қадриятларни сингдириш, маданий-тарихий мерос ва жаҳон адабиёти дурдоналари билан таништириш, дунёвий билимлар оламига олиб кириш, улардаги ижод куртакларини парваришлаш, рағбатлантириш, дўстлик, қардошлиқ туйғуларини қарор топтириш, уларда миллий ифтихор, Ватанга садоқат, мустақиллик туйғусини шакллантиришдан иборат. Бир сўз билан айтганда, мавзуларининг ранг-баранглиги жиҳатидан бадиий адабиёт, санъат, халқ ижоди, турли спорт ўйинларининг тарғиботчисидир.

"Гулхан" журнали бир қатор муҳаррирлар фаолиятида шаклланган.

1952-1953 йилларда Ғани Жаҳонгиров, 1953-1955 йилларда Собир Юнусов, 1955-1962 йилларда Эркин Жабборов, 1962-1964 йилларда Жуманиёз Жабборов, 1964-1971 йилларда Яйра Саъдуллаева, 1971-1972 йилларда Ўткир Зокиров, 1972-1977 йилларда Тўлқин Қозоқбоев, 1978-1983 йилларда Худойберди Тўхтабоев, 1983-1985 йилларда Абдулла Орипов, 1985-1994 йилларда Ойдин Ҳожиева, 1995-2001 йилларда Сафар Барноев, 2002-2006 йилларда Омон Матжон каби ижодкорлар фаолият олиб боришди. Бугунги кунда Ашурали Жўраев бош муҳаррирлик вазифасини бажармоқда.

Худди шундай мақсадлар сари болалар кўнглига йўл топиб келаётган яна бир адабий-бадиий безакли республика журнали "Ғунча" ўз олдига қўйилган вазифани шараф билан адо этиб келмоқда. Бугун бу журналнинг овози Россия, Украина, Олмония, Польша, Мўғулистон ва бошқа кўплаб юртларига ҳам етган. Бу бежис эмас, албатта, чунки унинг тамал тошини Ғафур Ғулом, Шайхзода, Миртемир, Зулфия, Қуддус Муҳаммадий, Шухрат каби алломалар қўйган. "Ғунча" журналида романлар, ҳикоялар, латифа, алла, дostonлар, тарихий лавҳа, топишмоқ, лапарлар, тез айтишлар нашр этилиб келинади.³³

Араб дунёсида болалар нашрларига XX асрда асос солинган. Уларнинг "مىكى" (Mickey), "سمير" (Samir), "أميرات" (Princess), "سوبر مىكى" (Super Mickey), "مىكى جيب" (Mickey Mouse Pocket), "مجلد مىكى" (Mickey Volume), "وينى" (Winnie the Pooh) каби бир қанча журналлар мавжуд. Бу журналлар Мисрда фаол журналлар ҳисобланади.

³² Жўраев. А. Саксон лаҳза қувончлари //Гулхан. 2009, 10-сон

³³ Миразиз А. "Ғунча" болаларнинг ҳақиқий журалига айлансин //Хуррият 2009.18-март


Мисрда нашр қилинаётган "سمير" (Самир) журнали сатирик мазмунга эга журнал ҳисобланади. Унинг биринчи нусхаси "Al-hilal" нашриёти томонидан 1956-йили 15-апрелда нашр қилинган. "سمير" сўзининг луғавий маъноси "ҳикоя қилиб берувчи" деган маънони англатади. Лекин бу журнал номи билан алоқадор эмас.

Журнал номи "سمير" (Самир) бу бир болакайнинг номига қўйилган, кўзи доим чакнаб, юзи кулиб турадиган, қўнғироқ сочлари пешонасига тушиб турадиган, юз тузилиши ҳақиқий арабларники бўлган болакай-тўқима образдир. Журнал яъни ("Барча араб болалари ва 8 ёшдан 88 ёшгача") шиори остида чиқади. Ҳозиргача ўз йўналишини ўзгартирмай келаётган "سمير" (Самир) журнали 40 бет 20 варақдан иборат. А4 форматда чиқарилади. Болаларни ёруғлик сари йўналтириш мақсадида, журналда асосан ёруғ ранглардан фойдаланилган.

"سمير" (Самир) журналдан ташқари Мисрда яна бир қанча болалар журналлари ташкил этилган. Уларга қисқача тўхталиб ўтамиз.

Бу журналларнинг барчаси Наҳдет Миср ноширлигидан чиқарилади. Улар 17 x 24 см ҳажмида А4 форматда нашр қилинади.

1976 йилда журналлар сафига яна бир "مىكى جيب" (Mickey Mouse Pocket) номли журнал қўшилади. Ҳозирда у ҳам фаол журналлар сафида. Ойида бир марта нашр қилинадиган "مىكى جيب" (Mickey Mouse Pocket) журнали 132 бетдан иборат. Унда асосан турли мавзудаги мақолалар ва ўйинлар нашр қилинади. Журналнинг устки муқоваси рангли тарзда. Ички муқовалари эса оқ ва қора рагда Журнал ҳажми 16.5 x 12 смга тенг.



Рейтингги ★★★★★★★ (6.71/10) бу дегани

234 овозга тенг. Оқ қора бўлишига қарамасдан рейтинг жиҳатидан "مىكى" (Mickey) журнали билан тенг.

"مىكى" (Mickey) Журнал 52 варақдан эттирилади. У асосан янгиликлардан, бошқотирмалардан, ижодларидан иборат. ўгирилади. Унинг


★★★★★☆☆☆☆




журналига 2004 йил 22 январда асос солинган. иборат бўлишига қарамай ҳар ҳафтада чоп ҳикоялар, кулгу саҳифаларидан, кувноқ тадбир хабарларидан, интерактив суратлардан ва ёш муаллифларнинг Унда чиқадиган мақолалар бошқа тилларга ҳам бошқа нашрлар орасидаги рейтингги ★★★★★

10 фоиздан 6.71 фоизни ташкил қилади. Бу

тахминан 636 та овоз демакдир.



Фаол ҳафталик нашрларидан бири “سوبر ميكي” (Super Mickey) дир. У 68 бетдан иборат. У асосан "ميكي" (Mickey) журналида чиққан баъзи ҳикоялар, саргузаштлар орқали тузилади. Бундай олиб қараганда "ميكي" (Mickey) журналининг кўчирма нусхаси ҳисобланади. Шудай бўлишига қарамай унинг рейтингги юқори ★★★★★★ (6.26/10) бу 226 та овозга эга дегани.



“مجلد ميكي” (Mickey Volume) журнали 2 ойда бир марта нашр қилинади. 17 x 24 см ҳажм жиҳатидан бошқа журналларга ўхшасада, аммо 424 бетни ташкил этиши билан биринчи ўринда. Китоб шаклида "ميكي" (Mickey) журналининг дастлабки саккиз сонини жамлаган ҳолда нашр қилинади. Бунинг қулайлиги саккиз та "ميكي" (Mickey) журнални ўрнига битта “مجلد ميكي” (Mickey Volume) журналидир. Рейтинг ★★★★★ (6.93/10 - бу 72 овозга тенг демакдир).

Битирув-малакавий ишимизда Миср Араб Республикасида нашр қилинаётган "سمير" (Самир) журналини танлаганмиз. Чунки, бошқа журналлар жиҳатдан узоқ тарихга эга. Ҳамда қиёсий ўрганаётган “Гулхан” журнали билан мавзулар ёритиш жиҳатидан деярли ўхшаш. Янва бир жиҳати "سمير" (Самир) журнали ҳам барча соҳада қобилиятлиларни етиштириб чиқаришда мактаб вазифасини ўтаган. Жумладан, Нагиб Махфуз, Тавфиқ ал-Ҳақим, Саид Хижоб, Юсуф ас-Сибай, Аҳмад Ражаб, Яҳё Тоҳай Абдуллоҳ каби ёзувчиларнинг илк асарлари шу журнал саҳифаларида чоп этирилган. Ҳозирда улар болалар учун қизиқарли мақолаларни ёзиб келмоқда.

2.2 "Гулхан" ҳамда "سمير" (Самир) журналлари тавсифи, йўналиши ва тематикаси

РАСМЛАР БЕРИЛАДИ, Мамлакатимизда олиб борилаётган баркамол ва соғлом авлод тарбияси, таълим соҳасидаги ислохотлар, болалар спортини ривожлантириш, ёш истеъдодларни кашф этиш ва қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ ниҳоятда долзарб мавзулар ҳамиша “Гулхан” саҳифаларидан кенг ўрин олган. “Жаҳон адабиёти дурдоналари”, “Муҳокама учун мавзу”, “Мухаррир минбари”, “Психолог бекати”, “Ёш журналистлар мактаби”, “Истеъдод эгалари” каби саҳифалар шулар жумласидандир. Журнал аудиториясини асосан мактаб ўқувчилари ташкил этади. Шу сабабли ёритилаётган мавзуларда уларнинг ёши билан, қизиқишлари билан боғлиқ ахборотлар бериб борилади.

Миср Араб Республикасида чоп этилаётган болалар нашри "سمير" (Самир) журналининг муқовасида “барча араб болалари ва 8 ёшдан 88 ёшгача” деган шиор мавжуд. Демак, у нафақат болаларга балки катта ёшдагиларга ҳам қизиқарли бўлган маълумотларни етказиб беради. Мисрда чоп этиладиган “Самир” журнали адабий-безакли, сатирик йўналишга бўлишига қарамасдан, сиёсат мавзусини ёритадиган ягона болалар журнали ҳисобланади. “Гулхан”да мамлакатдаги муҳим воқеалар ҳақида мақола бериш мумкин, аммо сиёсий мавзулар ёритилмайди. Журналнинг сўнги саҳифасида чиқадиган“Сиёсат ва Сиёсат” саҳифаси фикримизнинг исботидир. Бу саҳифа катталар учун мўлжалланган. Шу билан биргаликда, журналда берилаётган баъзи бошқотирмалар катталарни ҳам ўйлантиради.

Журналнинг доимий иштирокчиси Шаҳира Ҳалим сиёсий мавзулар ҳақида болаларни ҳам бохабар қилиб бориш керак деган фикрда, Мисрда ўтказилган президентлик сайловида Самир журнали қандай қилиб республика президенти бўлиши мумкин деган рукн ташкил этган. Бунда журнал қахрамони Самир президент бўлишини хоҳлайди аммо қандай қилиб деб болаларга қарата савол ташлайди. Шунда муаллиф президент бошқа шахслар каби оддий шахс эканлигини ва агар истаса Самир республика президенти бўлиши мумкинлигини айтади ва имкониятларини болаларга тушунтиради. Мақола сўнгида болаларга “Агар давлат раҳбари бўлсангиз нима қилардингиз?” деган савол билан мурожаат қилади. Бу болаларни фикрлашга ундовчи мақолалар сирасига киради. Аммо Мисрда болалар адабиёти соҳасининг мутахассиси Тохир Шарқоний болалар журналларида чоп этилган сиёсий кўринишдаги бундай мақолаларни маъқулламайди. Бу дегани муаллиф “Самир” журналини сиёсий мақолалар билан тўлдириш нияти йўқлигини, аммо болаларни сиёсий хабарларга ҳам тайёрлаб бориш лозимлигини айтади.

"سمير" (Самир) журнали кўпгина давлатларга тарқатилади. Қуйида журнал етиб борадиган давлатлар рўйхати ва қанча миқдорда сотилишини келтирамиз.

(Илова)

“Гулхан” журналининг мазмуни ва асосий йўналиши мухлислардан келган мактублар орқали тузилади. Бугунги кунда келиб журнал 1 ойда 3000 яқин мактуб қабул

қилади. Бу хатларда болалар чизган суратлар жуда кўп. Шу боис журнал мухлислар юборган суратлар учун алоҳида саҳифа ажратган.

-“Ҳозир “Гулхан”га келаётган мактубларнинг кўп қисмини расмлар ташкил қилади. Расм чизишга иштиёқи баланд болалар кўп. Бу албатта, яхши. Чунки, расм чизиш болалар дунёқарашини кенгайтиради, ранглар дунёсига ошно этади. Келаётган ҳамма расмларни чоп эта олмаётганимиз боис журналда илова ташкил этилди. Иловада мухлислар чизган расмлар билан бирга болалар ҳаётидаги қизиқарли воқеалар саргузаштлар ва ҳангомалар, латифалар, шеърлар, ҳикоялар чоп этирилади”³⁴,- дейди журнал бош муҳаррири Ашурали Жўраев. Журналда ташкил этилган “Мурғак кўнгил изхори”, “Митти муҳаррир”, “Сўранг, жавоб берамиз”, “Сен ва ўқитувчинг”, “Тор кўчадаги тўқнашув”, “Гулханжон конверт очганда”, “Уйғонаётган умидлар”, “Чакмоқ” каби саҳифалар шу мактублар маҳсули сифатида дунёга келган.

Журналнинг собиқ муҳаррири Шаҳира Ҳалилнинг таъкидлашича, журнал араб болалар нашрларининг “онаси” ҳисобланади. Буни араб дунёсидаги барча болалар журналлари таловида “Энг қадимий ва энг севимли журнал” йўналишида ғолиб бўлганлиги билан ҳам таърифлаш мумкин. Ўрта Шарқ дунёсидаги машҳур журнал ярим асрдан буён чоп этирилади. Унинг мақсади, ўз атрофида араб болаларини бирлаштириб бир мақсад сари йўналтириш ҳамда миллий муносабатни мустаҳкамлашдир. Ярим асрдан буён чоп этиб келинаётган ушбу журнал араб болалар оламида осон иш эмас. Кўпгина қийинчиликларга қарамадан доимо чиқиб туриши ўзига яраша омад ва муқаффақиятдир. Журнал учун ҳар сафар янгидан тайёргарлик кўрилади. "سمير" (Самир) саҳифаси расмини чизиш учун бир канча ёш рассомлар жалб этилади. Ва биз иложи бориша кўпинча болалар чизган расмларни муқовага чиқаришга ҳаракат қиламиз.

Дизайн масаласида “Гулхан” нинг кўп йиллик тажрибаси, шаклланган услуби, йўли мавжуд. Фаолияти давомида журнал кўплаб қалами ўтқир шоир, ёзувчи журналистларни етиштириб чиқди. Ўзбекистон Халқ шоири Абдулла Ориповнинг илк шеърлари “Гулхан”да нашр этирилгани ҳам қувонарлидир.

Журнал саҳифасида болалар адабиётининг энг сара асарлари эълон қилинганлиги эътиборлидир. Шунингдек, журнал истеъдодли ижодкорлардан катта бир гуруҳини тарбиялаб, адабиёт оламига етказиб бергани ҳам улкан маънавий ҳодисадир. “Гулхан” журнали бир қатор муҳаррирлар фаолиятида шаклланган.

1952-1953 йилларда Ғани Жаҳонгиров, 1953-1955 йилларда Собир Юнусов, 1955-1962 йилларда Эркин Жабборов, 1962-1964 йилларда Жуманиёз Жабборов, 1964-1971 йилларда Яйра Саъдуллаева, 1971-1972 йилларда Ўтқир Зокиров, 1972-1977 йилларда Тўлқин Қозоқбоев, 1978-1983 йилларда Худойберди Тўхтабоев, 1983-1985 йилларда Абдулла Орипов, 1985-1994 йилларда Ойдин Ҳожиева, 1995-2001 йилларда Сафар

³⁴ Атакулова Э. Болалар нашрларига эътибор. //Хуррият. 2010, 7-апрель.

Барноев, 2002-2006 йиллардат Омон Матжон каби ижодкорлар фаолият олиб боришди. Бугунги кунда Ашурали Жўраев бош муҳаррирлик вазифасини бажармоқда.

"سمير" (Самир) журнали ҳам ушбу барча соҳада қобилиятлиларни етиштириб чиқаришда мактаб вазифасини ўтаган. Жумладан, Нагиб Махфуз, Тавфиқ ал-Ҳаким, Саид Хижоб, Юсуф ас-Сибай, Аҳмад Ражаб, Яҳё Тоҳай Абдуллоҳ каби ёзувчиларнинг илк асарлари шу журнал саҳифаларида чоп этирилган. Ҳозирда улар болалар учун қизиқарли мақолаларни ёзиб келмоқда.

"سمير" (Самир) журналида болаларнинг билимларини чархлаш учун турли бошқотирмалар бериб борилади. Болаларни фаолликка ундовчи бундай ақлий ўйинлар бошқотирмалар араб болалар нашрларида ва ўзбек болалар нашрларида ҳам деярли бир хил. Ҳар иккала журналда математика фанига оид мантикий бошқотирмалар берилган. Бу боланинг тиниқ фикрлаши учун фойдали усуллардан биридир. Яна бир ўхшаш саҳифалардан бири, "Гулхан" журналида "Суратли ҳикоя" ёки "Суратлар тилга кирганда" номи остида босилса, "سمير" (Самир) да бу саҳифа "Самирнинг саргузаштлари" саҳифаси орқали бериб борилади. Ҳар иккала саҳифада бир неча суратлар шарҳлари билан бирга берилади.

Болалар журналистикасининг бош вазифаси – болаларга қизиқарли, долзарб ахборотларни етказиш билан бирга ўқувчиларни жаҳон адабиёт вакиллари, қолаверса, ўзбек ёзувчиларнинг янги асарлари билан танитиб бориш, бир сўз билан айтганда, болаларни бадиий адабиётга бўлган қизиқишини уйғотишдан иборат.³⁵

"Гулхан" журналида жаҳон адабиёт дурдоналари саҳифаси орқали жаҳон болалар адабиёти асарларини ва бола тарбиясига молик бўлган ўзбек асарларини болалар учун чоп этади. Бу каби асарларни "سمير" (Самир) журналида ҳам учратиш мумкин.

"Гулхан" журналининг ҳар бир сонининг биринчи муқовасида "Муҳаррир минбари" саҳифаси ташкил этилган. Унда муҳаррир ёшлар ҳаётидаги қийин аммо тушуниши лозим бўлган мавзуларни бола тилида содда ва раво қилиб очиб беради. Бу муҳаррирдан катта қобилиятни талаб қилади. Журнал бош муҳаррири Ашурали Жўраев: бола тилида ёзиш, ижод қилиш жуда қийин жараён. Мақола ёзишда асосан бола руҳиятидан келиб чиқиб, уларни нима қизиқтираётганини, нима ўйлантираётганини топиб ёзишга тўғри келади. Болалар учун ёзадиган ижодкорларни кузатганимда неча ёшда бўлишидан қатъий назар қалбининг бир четида болаларча беғуборлик, қувноқлик, кези келганда қайсарлик ва тантиқлик бўлишига гувоҳ бўлдим.

"Гулхан"да ўзбек ва жаҳон ёзувчи, шоирлар ижодидан лавҳалар ва уларнинг фаолияти кескин очиб берилади. Болаларни тил ўрганишга бўлган қизиқишларини инобатга олиб, журналнинг "Инглиз тилини ўрганиш" саҳифасини ташкил этган. Бу

³⁵ Миразиз А. Жасорат //Гулхан. 2009, 10-сон

билан журнал болаларга масофавий ўқитиш тизимини қўллаган. “Гулхан” нафақат мамлакатимиз болалар ҳаёти билан балки чет эл болалар ҳаёти билан ҳам қизиқади. Буни “Дунё болалар” саҳифаси орқали билиш мумкин. Саҳифада берилган мақолаларнинг бирида Афғонистон, Шри-Ланка, Эрон, Корея халқ болаларнинг миллий ўйинлари билан бирга ўзбек болалари ўйнайдиган миллий ўйинларни таништириб келади.

"سمير" (Самир) журналида“Саломатлик” саҳифаси мавжуд бўлиб, болалар саломатлигига жиддий эътибор қаратилади. Мисол учун, 1996 йилда болалар тишини парвариш қилиш, болаларни гигиенасида нималарга эътибор бериш, уй ҳайвонлар билан болаларни муносабатга киришишлари ҳақида муҳокамали мавзулар берилган. “Гулхан”да ҳам “Саломатлик сирлари” саҳифаси мавжуд.

“Кичкитойга китобча” журнал ичида китоб саҳифасида “Интеллект” номи остида чиқадиган китобча нашр қилинади. Бундан ташқари шоир ва ёзувчиларнинг болаларга лойиқ асарларини чоп эттиришади. Бу каби журнал ичида китобчани "سمير" (Самир) журналида ҳам учратдик. Уларда чоп этаётган китобча асосан расмлардан иборат.

Журналнинг “Психолог бекати” саҳифаси болаларни руҳан катта ҳаётга тайёрлаб келмоқда. Мисол учун, ушбу саҳифаларнинг бирида болаларга нисбатан “Сиз ким бўлмоқчисиз?”, “Касб танладингизми?”, “Нега бу касбни танладингиз?” каби саволларни ўртага ташлаган. “Мулоҳаза учун мавзу” саҳифаси, бугунги болалар ҳаётига хавф солаётган оғриқли нуқталарни қаламга олади. Мисол учун, “Дарсдан қочган болалар ёки компьютер ўйинларига бир назар”, “Дафтар жилдидаги маданият”, “Қачон кутубхонага боргансиз?” каби мақоллар шулар жумласидандир. Шу билан биргаликда, бадиалар, қиссалар, ҳикоя, шеър, суратлар, бошқотирмалар, истеъдод эгалари билан турли суҳбатлар бериб борилади.

"سمير" (Самир) журнали 1996 йилда 2097 ададда, 2000 йилга келиб эса 2293 та ташкил қилган. бошқа йилларни топиш ва илова қилиб келтириш керак. (Илова.....)

“Гулхан” журналининг 2001-2009 йиллардаги тиражи. (Илова.....)

Бугунги кунда 80.000 тираж атрофида нашр қилинмоқда.

"سمير" (Самир) нинг қизлар ва болалар учун фойдали маслаҳатларни “.....” саҳифаси орқали бериб келади. 2000-йил 19-май сонидан ёш қизлар учун босқичма-босқич бичиш ва тикиш жараёнлари кўрсатиб берилади. Илова

“Гулхан”нинг “Пазанда” саҳифасида ёш қизлар тайёрлаши мумкин бўлган таомлар ретцепи бериб борилади. Иккала журналда ҳам болалар ҳаётидаги саргузаштлардан латифалар бериб борилади.

"سمير" (Самир) журналида берилган латифалардан бири: (Илова....)

Журналист ёш боладан интервью оладиган жараёнини берадида,“Сизга ёқадиган товуш нима?” деб савол беради. Шунда ёш бола..... “Онамнинг овози”деб жавоб беради. Араб латифаларида ҳам таълим тарбияга дахлдор тарафлари мавжуд. Журнал“Барча тилларда Она” саҳифасида “Она” сўзининг 28 тилдаги атамаси ва ёзилишини кўрсатган. Ҳар бир расмдаги болада миллий кийимлари билан бирга берган. (Илова....)

Бугун болаларни бошқалар матбуотига бўлган қизиқишини уйғотиб, уларни гулхан мактабида шакллантирсак, бола руҳиятида талабчанлик, масъулият каби ҳислар шаклланади.

Масъуллиқ болалиқдан бошлади. Кейинчалиқ бу маъсулият кучайиб, зўрайиб боради. Ҳаётнинг муҳим омилига айланади. Агар ўзининг ҳаракати учун масъулият бўлмаса, ҳеч қандай тараққиёт ҳам бўлмайди. Болалиқ бу олисдан кўринган машъалга ўхшайди. Болалиқнинг қалбда сақланиш қонуни бор. Ҳар бир инсон болалиқни қалбда сақлаб юради.³⁶

Бу фасл юзасидан хулоса қиладиган бўлсам, “Гулхан”нинг савияси анча устун. Журналда берилган материаллар ранг-баранг ва кўлами кенг. Шунингдек, ўқувчилар орасида кенг тарқалган. Биргина, тираж масаласида тўхталадиган бўлсак, Ўзбекистонда 27 миллиондан ортиқ аҳолининг 51%ни ёшлар ташкил қилади. Шундан 47% ни 16 ёшгача бўлган ёшлар ташкил қилади. Шуларни ҳисобга олганда Гулхан журнали 80.000 тиражда чиқиши журналнинг ютуғидир. Миср Араб Республикасида эса аҳолининг % ини ёшлар ташкил қилади. Болаларга бағишланган журнал 23.000 атрофида чиқади. 80.000 тиражда чиқадиган “Гулхан” журнали фақат мамлакат миқёсида тарқатилади, “Самир” эса Иордания, Бирлашган Араб Амирлиги, Судан, Қуддус, Уммон, Қатар, Сурия, Ливан, АҚШ, Италия, Баҳраин, Туркия каби давлатларга тарқатилади. Араб халқининг каттагина қисми ярим асрдан ортиқ чиқадиган

Журнални излаб топиш жараёнида шу маълум бўлдики, араб халқининг катта қисми ярим асрдан ортиқ чиқадиган бу болалар журналининг мавжудлиги ҳақида маълумотга эга эмас. Журнал фақат хос қатламга тарқатилади, бунинг яна бир сабаби, Мисрда мактаб таълимини олмаган болаларнинг кўплиги. Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, ҳар икки журнал ҳам болалар нашри сифатида ўз ўрни ва аҳамиятига эга. Улар болаларни ахборотга бўлган талабларини имкони борича қондирапти.

³⁶ Шарафиддинов О. Масъуллиқ болалиқдан бошланади //Гулхан.

2.3 “Гулҳан” ҳамда “Самир” журналлари дизайнини қиёсий ўрганиш

Матбуот бозорида босма нашр ўз мухлисини топиши учун нима талаб қилинади? Табиийки, бошқаларга ўхшамаслик, ўзига хослик. Кўпинча, инсон қалбига яқин, унинг кўнглидагиларга, ҳаёти, турмуш тарзига яқин мақолалар диққатни жалб қилади. Айниқса, болалар диққатини.³⁷ Хўш, бугун ўзбек болалари учун нашр қилинаётган “Гулҳан” ва Мисрда чоп этирилаётган “سمير” (Самир) журналлари болалар диққатини қандай жалб қилмоқда? Бу аввало журналнинг ташқи кўриниши билан боғлиқ масала. Бунда журналнинг макети, унда қўлланиладиган расмлар, шрифтлар умуман олганда ишнинг техникасига тааллуқли бўлади. Юқорида тадқиқ этган журналларда макетлаштириш ва дизайн ҳақида тўхталишимиз ишнинг яна бир йўналиши ҳисобланади. Гулҳан ва Самир журналларининг ташқи кўринишлари қандай? Нашр этишда қандай ўзига хосликлар бор? Уларнинг болалар қизиқишларига мос ахборотларни етказишда қандай ўхшаш ва фарқли жиҳатлари бор? Биринчи навбатда муқовасига эътибор қаратадиган бўлсак:

“Гулҳан” журнали муқоваси

“Гулҳан” журнали муқовасида асосан ёшларнинг суръатлари нашр этирилади. Мақолаларда бир хил шрифтлардан фойдаланилади. Лекин ҳар бир саҳифасининг фони турли хил рангларда берилди. Оч ранглардан фойдаланилган асосан ҳақо ранг ва яшил ранглардан. Сарлавҳалар каттароқ шрифтда берилди. Сарлавҳа ёнида болалар қизиқадиган мультфильм қаҳрамонларининг расмларини беради. Бу болалар эътиборини жалб қилишнинг бир усулидир.

“سمير” (Самир) журнали муқоваси

“سمير” (Самир) журналининг муқоваси ва бир-икки саҳифаси рангли кўринишда чиқади, холос. Самир номи берилган тўқима образдаги болакай ҳар доим журналнинг юқори қисмида жойлаштирилади. Мақолалар шрифти асосан бир хил. Аммо журнал ичида нашр қилинаётган китобчада кичикроқ шрифтдан фойдаланилган. Журналда ранг-баранглик мавжуд. Саҳифалар беришда бир хил қолипдан фойдаланилмаган. Аммо ҳамма саҳифалар кўриниши деярли бир хил, яъни бир хил ранглардан фойдаланилган. Мақола кичик-кичик саҳифалардан иборат бўлса, уни қисмларга ажратган ҳолда берган. Журналда чоп этилган рамларнинг деярли кўпи болалар томонидан яратилган. Журналда оч ранглардан кўп фойдаланилган асосан қизил рангдан. Чунки, бу ранг болани ўзига тез жалб қилади. Журнал сўнги муқовасида рекламадан фойдаланган. Боллар учун чиқадиган маҳсулотларни, турли атракционлар рекламаси берилган.

Болалар нашрларида ёзилаётган ҳар бир мақола бола руҳиятига таъсир қилиши учун унинг безагига аҳамият берилди. Чунки, ўйинқароқ бола журнални биринчи марта кўлга олганда, унинг расмларига қизиқади. Шунинг учун чоп этилаётган материалларга мос расм

³⁷ Жабборов Ш. Газетхонни нима қизиқтиради. // Хуррият. 2009, 12-август

танлаш жуда муҳим. Болалар нашрлари мухлислар эътиборини қаратишдаги “калити” бу-расмдир. Агар расм жумбоқли бўлса, у ўқувчида шу мақолани ўқишга ундайди. Агар бир кишининг расмини қўйиб четида матн кетадиган бўлса, ўқувчи матн шу шахсга тегишли эканлигини ўқимасданоқ билади. Расмларни жойлаштириш болалар нашрларининг дизайни учун муҳим саналади. (Илова)

" **سمير**" (Самир) журналининг саҳифасида куйидаги расмлар берилган. Бу расмлар орқали она ва бола меҳри кўрсатиб берилган. Берилган изоҳсиз расмлар болаларни фикрлашга ундайди.

Илова

Журналнинг ҳар иккаласида ҳам фотоколлежлар беришга эътибор қаратилади. Айниқса, ҳозирги пайтда компьютерда макетлаштириш жараёни унчалик муаммо туғдирмайди. Қолаверса, дунё матбаа тизимида бу оммалашиб бўлди. Шунингдек, журналларда фоторепортаждан ҳам кенг фойдаланилади. Ана шу фоторепортажларнинг жонли чиқиши болаларнинг журналга бўлган қизиқишларини орттитади.

Иккинчи навбатда, журнални қўлга олган бола мақолаларнинг сарлавҳасига эътибор қаратади. Қизиқарли сарлавҳа ёки қизиқарли суръат билан чиққан мақолага кўз югуртуради ва уни ўқишга ундайди. Болалар нашрларининг баъзилари сарлавҳалар беришда мультфильм қаҳрамонларидан, турли расмлардан фойдаланишади. Бу журналнинг ранг-баранглигини оширади.

Гулхан журнали дизайнининг расмийлиги билан катталар журнаliga яқин. Самир журнали билан таққослаганимизда Гулханда расмларнинг кам берилиши ва берганда ҳам расмий (хужжат шаклидаги) расмлардан қўлланилиши. Бу расмий услубдан нафақат болалар журналистикаси балки катта журналлар ҳам қутулолмаётгани ҳаммага маълум. Гулхан журналида ҳар бир мақола учун турли графиклардан, ранглардан фойдаланилади. Лекин ўринли эмас. Сабаб, баъзи мақолада расмлар мавзуга дахлдор бўлмайди. Иккинчи, навбатда болани кўзига таъсир қиладиган ранглар фойдаланиши. Самир журнали эса асосан оқ қора фондан фойдаланилган. Шундан бўлишига қарамай, турли расмлар билан безалган ҳолда, ёки қаҳрамон тилидан ҳикоя қилиб берилади. Одатий ва жуда содда матнда берилади. Журналда 10 шрифтан фойдаланилади. Бу шрифт болалар учун жуда кичик. Гулхан журанли эса 13-14 шрифтан фойдаланади. Бу жуда яхши. Бироқ, саҳифаларда шрифтларни ранг-баранг қилиб берилса, қизиқарлироқ бўларди. Ҳамма саҳифаларда деярли бир хил шрифтан фойдаланилади.

Ушбу фаслга хулоса қилиб айтиш мумкинки, журнал беазаги рамзий маънода шаклини англатади. Шакл мазмунга мос тушиши билан бирга ўқувчиларнинг ёши, дунёқараши, қизиқишларига ҳам мос бўлмоғи ва энг муҳими уларга маънавий эстетик озуқа бермоғи лозим.

Хулоса

Ўзбекистон оммавий ахборот воситалари ичида болалар журналистикасининг ҳам ўз ўрни ва жамиятни ахборот билан таъминлашдек вазифасини адо этишда ўзига яраша, муносиб ҳиссаси бор. Болалар журналистикасини ривожлантириш, ёшларни билимдон, дунёқараш кенг, миллий ва умуминсоний қадриятларига содиқ бўлим вояга етишларида муҳим воситалардан ҳисобланади.

Болалар журналистикасига бағишланган ушбу битирув малакавий ишимизда республикаимизда болалар журналистикасининг пайдо бўлиши ва ривожланиш жараёнларини араб давлатларидан Миср Республикаси болалар матбуоти билан қиёсий ўрганишга ҳаракат қилди. Унда ҳар икки мамлакатнинг етакчи нашларидан бўлган “Тонг юлдузи” газетаси “Гулхан” журнали ҳамда Миср араб республикасининг “Самир” журналлари фаолиятини атрофлича ўрганишга ҳаракат қилдик.

1-боб бўйича болалар нашрларининг маълум тарихий тараққиёт босқичини босиб ўтганлиги, узоқ тарихга эга эканлиги, ўз мактабини ярата олган деган хулосага келдик. Ҳар иккала ўзбек болалар нашри ривожланишида тадрижийлтк борлигини, уларнинг ёритаётган мазуларнинг кўлами кенгая бораётганлигини ва мамлакатимиз аудиториясининг кенг қисмини қамраб олаётганлигини кўриш мумкин.

2-боб бўйича хулосаларимиз, гулхан ҳамда Самир журналлари композицион жиҳатдан содда, ихчам, услубий раво ва тушунарли тилда мавзуларни ёритади, махсус жанр сифатида таркиб топганлигида ва тираж жиҳатидан юқори эканлигида.

Мавзунини ўрганиш давомида қуйидаги таклиф туғилди.

1. болалар журнали бўйича мутахассис тайёрлаш. Чунки, болалар нашрларида фаолият олиб борган журналистларни асосан нашрларнинг ўзи етиштириятти.

Болажонларни бир гулга, катталарни эса, уларни меҳр билан парваришлайдиган боғбонга қиёслашади. Шундай экан, уларнинг мурғак қалбидаги Ватанга, халқимизга, миллий ва башарий қадриятларга, она табиатга бўлган меҳр-муҳаббат туйғуларини шакллантириш қайсидир маънода болалар матбуотининг ҳам бурчидир.

Ўзбек оиласининг нозик жиҳатлари кўп. Уларни матбуотга ким олиб чиқади? Албатта, ўзбек болалар журналистлари. Хўш, биз ана шу нозик жиҳатларни ўз

Ўқувчиларимизга етказмасак, ким уларга шу тарбияни беради? Ота-она эса ҳаёт ташвишлари билан овора бўлади. Болани устоз ва сўз тарбиялар экан, бунга беэътибор қараб бўлмайди.

Ўзбек болалар журналистикаси миллий булоқлардан сув ичсагина ўзига хос рангда жило таратади.³⁸

Кечаги болалар журналистикаси давр болаларини ўз атрофида жипслаштириш учун хизмат қилган бўлса, бугунги болалар журналистикаси атрофида жипслаштириш билан бирга ёш авлодни юзага чиқариш билан ҳам шуғулланади.

³⁸ Ҳайитов Т. Бу соҳага кириш қийин // Ўзбекистон матбуоти. 2000, 1-2 сон, 56-бет

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. Тошкент. “Ўзбекистон”. 2001, 9-том.
2. Каримов И.А. Юксак маънавият –енгилмас куч. Тошкент. “Маънавият”. 2008.
3. Жамилова Б. Ўзбек болалар публицистикаси. Тошкент. “Фан”. 2006.
4. Баракаев Р. Истиқлол даври ўзбек болалар адабиёти: анъана, ворисийлик ва изланиш. “Ўзбек тили ва адабиёти”. 2003.
5. Абдуазизова Н. Мустақил Ўзбекистон журналистикаси тарихи. Тошкент. “Академия”. 2007.
6. Луғат. Журналистика реклама ва паблик рилейшнз 1700 та атама Маълумотнома Тошкент 2003 Зар қалам нашриёти

7. Журналистика асослари

Газета ва журналлар

8. Юнусов М. Бугуннинг гапи //Ўзбекистон матбуоти. 2009, 5-сон
9. Ҳайитов Т. Бу оламга кириш қийин //Ўзбекистон матбуоти. 2009, 1-2-сон, 55-бет
10. Жалилова Ф. Иқтидорлар юрти //Ўзбекистон матбуоти. 2009, 1-2-сон, 57-бет
-9. Миразиз А. “Ғунча” болаларнинг ҳақиқий нашрига айлансин //Хуррият. 2009 йил 18-март
10. Дўстқораев Б. Боланинг сўйлаган нутқи ушбудир //Хуррият. 2009, 19-август
11. Тўхтабоев Х..... Хуррият 2009 йил 8-апрель
12. Тождидинова С. Йилнинг энг ўқишли мақолалари// Хуррият. 2009, 7-январь

13. Тўхтабоев Х. Болалар адабиётининг жонкуяри // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 2009, 5-июнь
14. Абдурахмонов А. Севинч улашиб // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 2009, 5-июнь
15. Абдурахмонов А. Болаларга ёзаяпмиз аммо қандай ёзаяпмиз?// Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 2009, 1-октябрь
16. Жабборов Ш. Тиконзордан гул излаб //Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 2009 йил 9-октябрь
17. Тонг юлдузи газетаси 2000-2010 йиллар
18. Раззоқов Ш. Беғубор журналистика //Тонг юлдузи. 2009 йил, 5-октябрь
19. Гулхан журнали 2000-2010 йиллар
15. Самир журнали 1996 йил, 16-июнь
16. Самир журнали 2000 йил, 19- май

Интернет манбалари:

17. www.tongyulduzi.uz
18. www.gulxan.uz
19. www.jarayid.com
20. www.aawsat.com
- 21.

Талабанинг мавзу бўйича чоп эттирган мақолалари:

1. Болалар матбуотига эътибор// Хуррият. 2010, 7-апрель
2. Беғубор давр-беғубор журналистика// Маърифат. 2010, май

Унда ижодкор ижтимоий турмушдаги воқеликнинг моҳиятини фикрлаш тарзи эндигина шаклланиб келаётган ўқувчига аниқ тушунтиришга ҳаракат қилади. Муаллиф ёш авлодга кўпроқ ҳаётий ҳақиқатлар хусусида сабоқ беришни ўз олдига мақсад қилиб қўяди

Болалар публицистикасида муаллифнинг воқеага бевосита аралашиб кетиши ёки ташқаридан туриб, билвосита муносабат билдирилиши ҳам кузатилади. Агар муаллиф асарда воқеага бевосита аралашган бўлса, мустақил персонаж сифатида намоён бўлади ва воқалар оқидамида болалар билан бирга ҳаракат қилади, улар билан суҳбатда иштирок этиб, у ёки бу ҳодиса хусусида ўз мулоҳазаларини билдиради ҳамда бу билан болаларни фикрлашга, мушоҳада юритишга, юз бераётган воқаларнинг мағзини чақишга ундайди. шу сабабли, боллаар публицистикасининг бош хусусияти жамиятнинг ёш буғини идрок этиши зарур бўлган фикр-тушунчани, публицистнинг мантиқий муҳокамаси тарзида ифодалашдан иборат бўлади; Унинг вазифасини болларда ижтимоий фикр уйғотиш, шакллантириш ва маълум мақсадларга йўналтириш ташкил этади. Муҳими, болаларга уқтирилиши зарур хужжатли далиллар, аниқ маълумотлар асосида долзарб воқелик манзараси тасвирланади, маълум тарихий давр ва ижтимоий шароитга хос блгилар хусусида фикр юритилиб, замон тарихи ёритилади, ўқувчининг диққатини тортиш, қизитқувчанлитгини ошириш учун воқеелар худди ҳаётдагидек жонли акс этади.

Ижодкор танлаган услуб асар тилининг ёқимли, таъсирчан чиқишигақараб баҳоланади. Болаларбоп асарларда фикрни бола тафаккурига мувофиқлаштириб, содда ифодалашда алоҳида эътибор даркор. Бироқ жўн ва қашшоқ тил билан ифодаланган қуруқ тасвир воситаларини "соддалик"ка йўймаслик керак. Зеро, устоз

адабиётшунос Ҳ.Ёқубов таъкидича, ғоявий бойлик ва мураккаблик, аниқ ва тугал фабула, ритмик ҳаракатни содда ифодалаган, майин юморни ишлата билган тилнигина бола тили, деб қайд этиш мумкин. Бу болалар публицистикаси учун ҳам муҳим. Чунки мақола, очерк ва фельетонларнинг тили ўта расмий ва жиддий бўлса, зерикарли туюлади, самимийликдан маҳрум бўлади. Бинобарин, болалар публицистикасида ҳар қандай мавзунини жонли ва қизиқарли тарзда баён қилишга эришиш учун ранг-баранг услубга эҳтиёж сезилади.

Болалар публицистикаси намуналари бевосита ёш авлодга мўлжаллаб ёзилар экан, у кўпинча ижтимоий-сиёсий долзарб мавзуларга бағишланади. Бунда воқелик образли тилда ифода этиб берилса, ёш ўқувчи тасаввурига хос эстетик аҳамият ҳам касб эта олади. Умумпублицистикага хос образлилик болалар публицистикаси учун ҳам зарур хусусият ҳисобланади.

Бинобарин, муҳими ижтимоий –сиёсий воқеликни ёритиш ва унга муносабат билдиришда бадиий воситалар, турли хотира ва ривоятлар, мақол ва қизиқарли далиллардан кенг фойдаланиш болалар публицистикасининг ўзига хос услубини блгиласа, майин оҳанг, жонли сўзлашув тили, ижобий маънодаги соддалик ва қизиқарлилик унинг шартли блгилари ҳисобланади.

Болалар публицистикаси ёш авлодни долзарб муаммолар тўғрисида мушоҳада юритишга, воқеликка муносабат билдириб, таҳлили ва тадқиқ қилишга ўргатади ҳамда бу жиҳатига кўра у болалар бадиий адабиёти билан муштарак, чунки уларнинг ҳар иккаласи ҳам "Ёш қалбларда севинч, ҳавас туғдириш"(Ҳ.Ёқубов), келажак авлодни етук шахс, баркамол инсон қилиб вояга етказиш мақсадини кўзда тутди.

Иордания	400 фулс
Бирлашган Араб Амирлиги (арабчаси)	4 дирхам
Судан	20 жунайх
Қуддус ва Ғазо сектери	40 цент
Уммонда	400
Қатар	4 риот
Сурия	25 лира
Ливан	1100 лира
АҚШ	150 цент
Италия	1000 лира
Баҳраин	400 фулс
Туркия	35000 лира